БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТ (большевик)ЛАР ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 177 (7624)
30
ИЮЛЬ
ЯҚШАНБА
1950 ЙИЛ
БАҲОСИ
20 ТИЙИН.

Бугун Бутун Иттифоқ темирйўлчилар куни.

Шонли темирйўлчиларимизга оташин салом!

Яшасин темирйўлчиларнинг меҳрибон отаси ва ғамхўри, ғалабаларимизнинг ташкилотчиси улуғ СТАЛИН!

Совет темирйўлчиларининг шонли байрами

Бугун Бутун Иттифоқ темирйўлчилар куни. Бу байрам биргина темирйўлчиларнинг эмас, балки бутун совет халқининг шонли ва қувончли байрамидир. Бугун Ватанимизнинг темир йўл транспорти ишига, унинг эришган муваффақиятларига, темир йўл транспортимизнинг мамлакатимиз олдида турган муҳим сиёсий ва хўжалик вазифаларни бажаришга қанчалик тайёр эканлигига жанговар кўрик кунидир.

Бундан ўнбеш йил илгари 1935 йил 30 июльда, Кремльда партия ва ҳукумат раҳбарлари социалистик транспортимизнинг илғор кишиларини қабул қилган эдилар. Бу қабулда улуғ доҳимиз ўртоқ Сталин тарихий нутқ сўзлаб, социалистик жамиятимиз ишлабчиқариш кучларининг ривожланишида темир йўл транспорти ғоят катта роль ўйнашини чуқур таҳлил қилиб берди. Ўртоқ Сталин совет давлатининг тараққиётида темир йўл транспорти жуда муҳим аҳамиятга эга эканлигини уқдириб, мамлакатимиз саноати ва қишлоқ хўжалигининг ривожланиши темир йўл транспортининг яхши ишлашига кўп жиҳатдан боғлиқ эканлигини кўрсатди ва темир йўл транспортининг бундан сўнгги ишларига улуғвор программа чизиб берди.

Ана шу тарихий нутқдан буён ўн беш йил ўтди. Бу давр Совет Иттифоқининг темир йўл транспорти мисли кўрилмаган даражада ривожланган, темирйўлчилар ҳаётида ажойиб саҳифа очилган давр бўлди. Ана шу тарихий кундан буён совет халқи ҳар йили темирйўлчилар кунини зўр хурсандчилик билан байрам қилиб келади.

Бу йил сталинчи темирйўлчилар кунини халқимизнинг меҳнат соҳасидаги ғайрат ва ташаббуси, сиёсий активлиги ошган ҳамда социалистик Ватанимиз халқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида ғоят катта муваффақиятларга эришилган бир вазиятда байрам қилмоқдамиз. Мамлакатимиз меҳнаткашлари большевиклар партияси, совет ҳукумати ва улуғ Сталининг доно раҳбарлиги остида урушдан сўнгги бешйиллик планни муваффақият билан амалга оширмоқда. Халқ хўжалигининг барча тармоқлари билан бирқаторда темир йўл транспорти ҳам ривожланмоқда ва кенгаймоқда.

«Кўп сонли областлар ва районларни бир бутун қилиб боғловчи биринчи даражали темир йўл транспорти бўлмаса, СССРнинг давлат бўлиб яшаши мумкин эмас эди. СССРда темир йўл транспортининг давлат нуқтаи назаридан бугун аҳамияти ҳам шундадир...» (Сталин).

Бизда ўртоқ Сталин айтган биринчи даражали темир йўл транспорти вужудга келтирилди. Транспортимиз дунёда энг илғор техника билан қуроллантирилди ва у кўп жиҳатдан чет давлатларнинг транспортидан ўзиб кетди. Эндиликда СССР улуғ темир йўл давлатига айланди. Ватанимизнинг поёнсиз ва серунум далаларини, йирик хомашё базаларини ва саноат марказларини боғловчи темир йўлларда қудратли машиналар — минглаб паровозлар, тепловозлар, электровозлар қатнамоқда. Темир йўл транспортида Ленин — Сталининг улуғ ишига охиригача содиқ бўлган ажойиб кишилар ўсиб етишди. Темир йўл транспорти мамлакатимиз ишлабчиқариш кучларини ривожлантиришда шундай кучли восита бўлдики, барча юкларнинг қарийб саксон процентдан ва пассажирларнинг тўқсон процентдан кўпроғи темир йўллар орқали ташилмоқда. Транспортни қатъий суратда ривожлантирмай ва темир йўллар қурмай туриб, мамлакатни саноатлаштириш, қишлоқ хўжалигини колективлаштириш, бой хомашё ресурсларидан фойдаланишдек тарихий ва муҳим вазифани ҳал этиб бўлмас эди. Совет халқи большевиклар партияси, совет ҳукумати ва улуғ Сталининг доимий ғамхўрлиги натижасида бу масалани муваффақиятли ҳал этди.

Совет ҳокимияти йилларида темир йўл тормозлари икки марта кенгайди. Янги темир йўллар қурилиши табиий бойликлардан кўпроқ фойдаланиш, узоқ районлар ва миллий республикалар хўжалигини, маданятини тез сур'атлар билан ривожлантириш учун катта имконият яратди. Бу эса янги кўмир, рангли металлар, руда, нефть районларини вужудга келтириш имкониятини берди.

Совет темирйўлчилари немис-фашист босқинчиларга қарши олиб борилган Улуғ Ватан уруши йилларида ажойиб қаҳрамонлик, ғайрат ва фидокорлик кўрсатдилар. Улар темир йўл транспортимизнинг тўхтовсиз ишлашини таъминлаб, ҳарқандай оғир шароитларда ҳам фронтга керакли нарсаларни етказиб бердилар. Уруш йилларида Тошкент темир йўлининг ходимлари катта синовдан ўтдилар. Улар Шимолий Кавказ ва Ўрта Осиёни мамлакатнинг марказий районлари билан боғловчи магистраль бўлган Тошкент темир йўлининг муваффақиятли ишлашини таъминладилар. Улар Кавказ мудофаасида актив қатнашдилар. Совет темирйўлчиларининг бу меҳнати душман устидан эришилган буюк ғалабамизга қўшилган муносиб ҳисса бўлди. Ўртоқ Сталин темирйўлчиларимизнинг Улуғ Ватан уруши йилларида қилган қаҳрамонона меҳнатларига юксак баҳо бериб, бундай деган эди: «Совет темир йўл транспорти жуда оғир ишга бардош бердики, бошқа ҳарқандай мамлакатнинг транспорти бундай вазифани мутлақо бажаролмас эди».

Улуғ Ватан уруши тугагач, совет темир йўл транспорти халқ хўжалигимизни ривожлантириш, вайрон бўлган шаҳар ва районларни тиклаш, мамлакатимиз меҳнаткашларининг фаровон ҳаёт кечиришлари йўлида хизмат қилабошлади. Темир йўл транспорти юк ортиш ва юк тушириш соҳасида урушдан олдинги даражадан ўзиб кетди.

Сталинча бешйилликлар даврида Тошкент темир йўли мамлакатимизнинг асосий магистралларидан бирига айланди. Тошкент темир йўлида кучли машиналар, тепловозлар қатнамоқда. Янги темир йўл станциялари ва йўллари қурилди. Халқимиз орасидан ажойиб темирйўлчилар армияси етишиб чиқди. 1950 йилда Тошкент темир йўлида бир кечаю-кундузда юк ортиш ва юк тушириш ўрта ҳисоб билан 1936 йилдагидан қарийб икки марта ошди. Шу жумладан кўмир ташиш икки марта ва нефть маҳсулотлари ташиш ўникки марта кўпайди. Поездларнинг ҳаракат тезлиги соатига 3,6 километр, поездларнинг ўртача оғирлиги эса анча ошди.

Совет халқи ўзининг сталинчи темирйўлчиларини ҳамма вақт қадрлайди ва ҳурматлайди. 150 мингдан ортиқ темирйўлчи СССР ордени ва медальлари билан мукофотланди. Жуда кўп кишига Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони, Сталин мукофоти лауреати унвони берилди. Темирйўлчилар ҳақида қилинаётган бу сталинча ғамхўрлик уларни янгидан-янги муваффақиятларга руҳлантирмоқда. Темир йўл транспортида бешюзчилар ҳаракати кундан-кун кенг қулоч ёйиб бормоқда. Биргина Тошкент темир йўлида 1.500 киши бешйиллик планларини муддатидан олдин бажарди. Жуда кўп темирйўлчи 12 — 16 йиллик планларини адо этдилар. Тошкент темир йўлида социалистик мусобақанинг ривожланиши натижасида 1949 йилда юк ортиш плани 101,3 процент бажарилди.

Темирйўлчилар ўзларининг шонли кунларини байрам қилар эканлар, улар мамлакатимиз олдида турган энг муҳим сиёсий ва хўжалик вазифаларни бажаришга яна ҳам ғайрат билан киришадилар. 1950 йилги халқ хўжалиги планини муваффақиятли адо этиш, юк ортиш, юк тушириш ва пассажирлар ташиш планини тўла бажариш улар олдида турган энг муҳим вазифадир. Темир йўл транспорти социалистик далаларимизда етишган мўл ғалла, пахта ҳосилини ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ташишда ва буларни ўз вақтида йиғиштириб олишда катта ёрдам бериши керак. Кузги-қишки даврдаги ишларга пухта тайёргарлик кўриб, темир йўл хўжалигини бу даврлардаги ишларга ҳартарафлама пухта ҳозирлаш лозим. Ана шу вазифаларни бажариш учун темирйўлчилар вагонлар оборотини тезлаштиришлари, юкларни белгиланган жойларга ўз вақтида етказиб беришлари керак.

Темир йўл транспорти ишини бундан сўнг яна ҳам яхшилаш учун ҳаммадан аввал меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, меҳнатга социалистик муносабатда бўлиш ва ҳарбир ходимнинг ўз вазифасини шараф билан бажаришига эришиш лозим. «... Транспорт, — дейди ўртоқ Сталин, — конвейердир, бу конвейерда ҳарбир ходимнинг, ҳарбир винтчининг хизмати муҳимдир. Темирйўлчи ўртоқлар, сизлар ҳамма қисмларнинг, транспорт механизмидаги барча ходимларнинг пухта ишлашини йўлга қўйсангиз, шунинг ўзи чинакам большевикча интизом бўлади». Ўртоқ Сталининг бу кўрсатмасини амалга ошириш, транспортда большевистик интизом бўлишига эришиш — темир йўл транспорти ходимларининг асосий вазифасидир.

Совет халқи ўзининг шонли темирйўлчиларини улуғ байрам билан табриклайди ва уларнинг бундан сўнгги ишларида янги муваффақиятлар тилайди.

Ватанимиз меҳнаткашлари ўзларининг ижобий меҳнатлари билан тинчлик ишини мустаҳкамламоқдалар

Мажбурият албатта бажарилади

Стокгольм Мурожаатига имзо тўплаш бошланиши билан звеномизнинг аъзолари стахановча тинчлик вахтасида туриб ишлашга, пахтадан юқори ҳосил олиш учун фидокорона меҳнат қилишга ва шу билан, Ватанимизнинг қудратини янада мустаҳкамлашга ҳисса қўшишга қарор қилдилар.

Ҳарбир колхозчи Мурожаатга қўл қўйиш билан бирга, пахта далаларида стахановча меҳнат қилмоқда.

Биз ғўзаларни тўрт марта юқори сифатли культивациядан, тўрт марта чопиқдан чиқардик, уч марта маҳаллий ва минерал ўғит солдик. Ҳозир ҳамма ерда бешинчи парвариш кучайтириб юборилди. Ғўзаларимиз яхши ўсмоқда. Ҳозирдаёқ ҳар туп ғўзада 15 тадан кўсак ва жуда кўп туганаклар бор.

Дўрмон Низомова, Зуҳра Алимова, Хоним Абдуллаева стахановча меҳнат қилмоқдалар. Улар ғўза чопиғида нормани икки-икки ярим баравар қилиб бажармоқдалар.

Биз ҳар гектар ердан 60 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олдик. Бу мажбурият албатта бажарилади.

Б. ИСМОИЛОВА.
Хева районидаги Молотов номли колхознинг звено бошлиғи.

Пландан ташқари газлама

ФАРҒОНА, (ЎзТАГ). Фарғонадаги Дзержинский номли тўқимачилик комбинатининг мастер ёрдамчиси П. Саримсоқов Стокгольм Мурожаатига қўл қўйиб, бундай деди:

— Империалистлар янги жаҳон уруши чиқаришга уринаётган шу кунларда социалистик Ватанимизни ҳартарафлама мустаҳкамлаш бизнинг бурчимиздир. Бригадамиз стахановча вахтада ишлашга киришди.

Саримсоқов бригадаси вахта бошланган дастлабки кунларданоқ иш унумини ошириб, ҳар куни пландан ташқари бирнеча юз метр газлама тўқиб бермоқда.

Илғор бригададан намуна олиб, комбинатнинг бошқа участка коллективлари ҳам тинчлик вахтасида туриб ишламоқдалар. Мастер ёрдамчиси Абдулла Охунжонов бригадаси ҳозир аввалгига қараганда 25 процент кўп маҳсулот бермоқда. Мастер ёрдамчиси Қўчқор Матхоликов бригадаси иш унумини 15 процент оширди.

Керз фабрикасининг коллективи маҳсулот ишлаб чиқаришни уч процентдан кўпроқ ортирди.



Самарқанд область, Пастдарғом район идаги 1-нчи МТСнинг трактор чилари Тинчлик тарафдорлари жаҳон конгресси Доимий Комитетининг Мурожаатига қўл қўймоқдалар. **А. Кузьменко** фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Тинчлик имзолари

(МУХБИРЛАРНИНГ ХАТЛАРИГА ОБЗОР)

Халқимиз Тинчлик тарафдорлари жаҳон конгресси Доимий Комитетининг Мурожаатига якдиллик билан имзо қўйиб, Совет ҳукуматининг сталинча ташқи сиёсатини чин қалбдан ёқлаганлигини изҳор қилмоқда, уруш ловонини ёқучиларнинг агрессорлик сиёсатига қарши, Ватанимизнинг қудратини янада ошириш учун меҳнатда янги намуналар кўрсатмоқдалар.

Мухбир **О. Жўраев** Ғиждувон шаҳридан хабар беради: район меҳнаткашларининг Мурожаатга имзо қўйишга бағишланган тантанали йиғилиши мустаҳкам тинчлик иши учун курашнинг намойиши тусини олди.

Ёғ заводи ишчи ва хизматчиларининг йиғилишида стахановчи ишчилардан Муродов, Воробьев ўртоқлар коллективни Мурожаатга имзо қўйиш билан бирга, Ватанимиз қудратини янада мустаҳкамлаш учун стахановча тинчлик вахтасида туриб ишлашга чақирди. Завод коллективи йиллик планни муддатдан олдин бажаришга қарор берди.

Мухбир **К. Раҳимов** Фарғона область, Каганович районида Стокгольм Мурожаатига имзо тўплаш қизғин ўтаётганини, меҳнаткашлар большевиклар партияси, совет ҳукумати ва тинчликнинг улуғ посбони ўртоқ Сталин атрофига янада маҳкам жипслашганларини намойиш қилиб кўрсатаётганларини билдиради.

Элчи қишлоқ советидаги Жданов номли колхоз аъзоларининг йиғилишида кекса пахтакор Мавлонота Сандалиев сўзлаб, бундай деди:

— Бизнинг имзомиз уруш ловини ёқучиларга яна янги зарба бўлиб тушсин. Мен бутун сулҳпарвар халқларнинг тинч, осойишта, фаровон турмуш кечиришлари учун имзо қўяман.

Колхозчилар Мурожаатга якдиллик билан имзо қўйдилар. Сўзи билан иши бир бўлган бу колхознинг пахтакорлари ҳар гектар ердан 35 центнердан ҳосил етиштириш учун ғўза парваришини тобора кучайтиришга ваъда бердилар.

Мухбир **Р. Ҳамидовнинг** ёзишича, Сурхондарё область, Сариосиё районининг марказидаги аҳолининг тантанали йиғилиши ғоят баланд руҳ билан ўтган. Йиғилишда ҳамма Мурожаатни ва шу муносабат билан ССРР Олий Совети сессиясининг Баёнотини қизғин маъқуллаган.

9 боланинг онаси Анна Шупик ва 85 ёшли Гадойбобо Тоғаев айниқса таъсирли гапирдилар.

Иккинчи жаҳон урушининг бошланишига сабабчи бўлган империалистлар миллионлаб она ва болаларни бегуноҳ қурбон қилганликлари, болани онадан, онани боладан ажратганликлари ҳеч қачон ҳеч кимнинг эсидан чиқмайди. Улар яна уруш қўзғамоқчилар. Лекин улар ёвуз мақсадларига эришаолмайдилар. Чунки кишиликнинг буюк ғамхўри ўртоқ Сталин бизни олға бошлаб бормоқда, дунёдаги сулҳпарвар халқлар биз билан. Мен бутун сулҳпарвар халқларнинг бахт-саодати учун имзо қўяман.

Ҳар икки нотиқнинг сўзи йиғилиш қатнашчиларида чуқур таассурот қолдирди. Улар Мурожаатга имзо қўйиш билан бирга, мустаҳкам тинчлик иши учун фидокорона меҳнат қилажакларини изҳор этдилар.

„Ғаллаорол" совхозига кўчма қизил байроқ топширилди

«Ғаллаорол» совхоз ишчиларининг Стокгольм Мурожаати муносабати билан бўлган йиғилишларида биринчи бўлиб сўзга чиққан совхознинг бош механиги, Совет Иттифоқи Қаҳрамони ва Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Трайнин совхоз ишчиларининг фикрини ифодалаб, бундай деди:

— Биз урушни истамаймиз, ўз постимизда ҳалоллик билан ишлашни, шу билан тинчликни ҳимоя қилишни истаймиз.

Шу йиғилишда совхоз директори Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Лазаревнинг таклифи билан ишчилар ўрим-йиғимни 25 июльгача, давлатга дон топширишни 30 июльгача тугаллаш мажбуриятини олдилар.

Шундан буён 15 кун ўтди. Совхоз ишчилари ўз зиммаларига олган бу мажбуриятни бажариш йўлида тинчлик вахтасида фидокорлик билан меҳнат қилабошладилар.

Совхознинг донгдор комбайнчиси комсомол аъзоси ўртоқ Нуруллаев 22 июльгача 700 гектар ғалла ўрашга аҳд қилган эди. У, шу кунгача 800 гектар ғалла ўриб, мавсум планини 170 процент бажарди. Комбайнчи Қодиров. Абалаков, Декторов ўртоқлар ҳам мавсум планини 125—130 процентдан адо этдилар. Комбайнни тортувчи тракторларда ишлаган комсомол аъзоси Солиев, Ҳалидов ва бошқалар ҳам кунлик иш нормасини 140—150 процентга етказиб бажардилар. Натижада, совхоз 23 июльда ғалла ўришни тугаллаб, давлатга 17.000 ўринга 18.000 центнер дон топширишга муваффақ бўлди. Совхоз ҳозир пландан ташқари дон топширётир.

Ўзбекистон ССР Совхозлар министрлиги бу совхозни республиканинг энг илғор совхози деб, унга Совхозлар министрлиги ва касаба союзи республика комитетининг Кўчма қизил байроғини топширди.

Соли ХУЖАЕВ.

Немачиларнинг муваффақияти

ТЕРМИЗ, (ЎзТАГ). Амударёнинг юқори қисмида энг йирик ҳисобланган Термиз пристанининг коллективи юк ташиш ярим йиллик планини анча ошириб бажарди. Термиз дарёчилари Стокгольм Мурожаатига якдиллик билан қўл қўйиб, стахановча тинчлик вахтасида ишлайбошладилар ва анча муваффақиятга эришдилар.

25 июльда «Папанин» пароходи навбатдаги сафаридан қайтиб келди. Пароход командаси июнь ойи юк ташиш планини 143 процент адо этди.

Термиз пристанининг коллективи Октябрьолди социалистик мусобақасига қўшилиб, юк ташиш планини муддатидан илгари —7 ноябрьгача бажариш ва кишда пландан ташқари юк ташишни авариясиз ўтказиш мажбуриятини олди.

РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ МАКТАБИНИ БИТИРИБ ЧИҚҚАНЛАРГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС

Кеча Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг Мажлислар залида Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитети ҳузуридаги республика икки йиллик партия мактаби ва партия, совет раҳбар ходимларини қайта тайёрлаш 9 ойлик курсини битириб чиққанларга бағишланган тантанали мажлис бўлди.

Мажлис президиумида А. Э. Ниёзов, С. Д. Игнатьев, Р. Е. Мельников, Н. А. Муҳиддинов, З. Р. Раҳимбобоева, А. Тўхтабоев, М. Г. Чиковани ўртоқлар, мактаб ўқитувчилари ва ўқувчилари бор эдилар.

Мажлис ВКП(б) Марказий Комитетининг улуғ доҳий ўртоқ Сталин бошлиқ Сиёсий Бюросини баланд руҳ билан фахрий президиумга сайлади.

Ўқув йилининг якунлари ҳақида мактаб директори ўртоқ В. Я. Непомнин доклад қилди.

Мактабни битириб чиққан ўқувчилар номидан а'лочи Ғуломова ва Номозов ўртоқлар гапирдилар.

Мажлисда Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Ниёзов нутқ сўзлади.

Мажлис қатнашчилари қаттиқ қарсаклар остида халқлар дўсти ўртоқ Сталинга табрикнома қабул қилдилар.

БУТУН ИТТИФОҚ ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС

Кеча темирйўлчилар маданият ва йстироҳат боғида Бутун Иттифоқ темирйўлчилар кунига бағишланган тантанали мажлис бўлди.

Мажлисни Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари ўртоқ М. Г. Чиковани очди.

Мажлис қатнашчилари ВКП(б) Марказий Комитетининг ўртоқ Сталин бошлиқ Сиёсий Бюросини қаттиқ қарсаклар остида фахрий президиумга сайладилар.

Тошкент темир йўлининг бошлиғи ўртоқ А. М. Қодиров Бутун Иттифоқ темирйўлчилар куни ҳақида доклад қилди.

Мажлис ўртоқ И. В. Сталинга баланд руҳ билан табрикнома қабул қилди.

Ҳамма куч ва воситаларни ҳосилга ҳосил қўшишга сафарбар қилайлик!

Ғўзани сифатли парвариш қиламиз

Колхозчиларимиз бу йил 466 гектар ернинг ҳар гектаридан 35 центнердан пахта етиштириш мажбуриятини олиб, ғўза парваришини муваффақиятли олиб бормоқдалар. Ҳозир ҳамма ердаги ғўзамиз тўрт марта чопиқ, беш марта культивациядан чиқарилди. Тошпўлат Умурзоқов, Бобоқул Жўраев ўртоқлар бошлиқ бригадалар ғўзанинг бешинчи парваришини тугалламоқдалар. Ҳамма ердаги ғўзамиз икки марта озиқлантирилди ва уч марта қондириб суғорилди. Ғўзани чеканка қилишни асосан тамомладик. Ҳозир ҳарбир туп ғўзада ўрта ҳисоб билан 10—12 тадан кўсак бор.

Колхозчиларимиз Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг ҳосилга ҳосил қўшиш ҳақидаги мактубини муҳокама қилиб, унда белгиланган тадбирларни амалга оширишга киришдилар. Ўртоқ Тоҳир Исматов бошлиқ бригада аъзолари гектаридан 50 центнердан ҳосил етиштиришга ваъда бердилар. Бригаданинг ғўзаси олтинчи марта парвариш қилинаётир. 43 кетманчи кунлик нормани ошириб бажармоқда. Ғўзани шарват суви билан суғориш учун 3 та арава, 9 та эшак билан далага маҳаллий ўғит чиқарилмоқда.

Биз август ойида ҳамма ғўзани яна икки марта парвариш қилиш, ўсишдан орқада қолган 76 гектар ердаги ғўзани 3 марта чопиқ қилиш ва бир марта озиқлантиришга қарор қилдик.

Бу ишларни бажариш учун далада ишлаётган 350 колхозчи қаторига яна 58 киши қўшилди. Бригада ва звеноларга ғўзани парвариш қилиш юзасидан кунлик ва бешкунлик графиклар берилди. Биз август ойида ҳосилга яна ҳосил қўшиш учун ҳамма чораларни кўрамиз.

Жума ПИРНАЗАРОВ.
Сурхондарё область, Узун районидаги «Янги рўзғор» колхозининг раиси.

Социалистик мусобақани янада кучайтирамиз

Оржоникидзе районининг пахтакорлари Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг июль ойининг охирида ва август ойида ғўза парваришини кучайтириб, шона, гул ва кўсакларнинг ҳаммасини нобуд қилмай сақлаб қолиш тўғрисидаги Мактубини баланд руҳ билан қарши олдилар. Район партия комитетининг бюроси мактубни муҳокама қилиб, ғўзани ҳосил етилгунча парвариш қилиш тадбирларини белгилади. Мактубда қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун район активлари қишлоқ советларига ва колхозларга чиқиб кетдилар.

Мактуб колхозчилар йиғилишида муҳокама қилинмоқда. Районнинг пахтакорлари бу йил давлатга гектаридан 40 центнердан пахта ҳосили етказиб бериш учун курашмоқдалар. Бу мажбуриятни бажариш учун ғўзани ҳосил етилгунча сифатли парвариш қилиш кучайтирилди. Мактуб муносабати билан 600 га яқин колхозчи ғўза парваришига қўшимча равишда сафарбар этилди.

28 июльгача районда ғўзанинг бешинчи чопиғи 85 процент адо этилди. 1.174 гектар ердаги ғўза олтинчи чопиқдан чиқарилди. 3.719 гектар ердаги ғўза еттинчи марта культивация қилинди.

Ғўзалар яхши озиқлантирилиб, сифатли парвариш қилингани сабабли, эрта авж олмоқда. Ҳозир райондаги барча колхозда чеканка қизғин давом этаётир. Бу ишга тажрибали кишилар бошчилик қилмоқдалар. Айрим колхозларнинг ғўзаларида пайдо бўлган ҳашаротни тугатишда 662 киши ишламоқда.

Дўрмон қишлоқ советидаги Крупская номли колхознинг аъзолари Мактубга жавобан, ғўза парвариши сур'атини эширдилар. Бошқа ишларда ишловчи 30 киши қўшимча равишда ғўза парваришига ажратилди. Колхозчилар одатдагидан эрта ишга чиқиб, кундалик топшириқни ошириб бажармоқдалар. Бунинг натижасида колхоз олтинчи чопиқни тамомлаб, еттинчи чопиққа киришди. Мактуб муҳокама қилинмасдан илгари Ленин номли колхозда меҳнат интизоми анча суст эди. Ҳозир бу колхозда ҳам интизом мустаҳкамланиб, нормани ошириб бажаручилар кўпайди. Колхозчилар ўсишда кейинда қолаётган ғўзаларни август ойида яна икки марта парвариш қилиш мажбуриятини олдилар.

Киров қишлоқ советидаги Киров номли 1-нчи колхозда ҳам ғўза парвариши намунали йўлга қўйилган. Колхознинг юзцентнерчи звено бошлиғи ўртоқ Мамадалиев 8 гектар ердаги ғўзасини минерал ва маҳаллий ўғит билан озиқлантирди. Звено аъзолари ғўзани яна икки марта парвариш қилиш учун уюшқоқлик билан ишламоқдалар. Юзцентнерчи звено аъзолари ҳар куни ишга чиқиш вақтларида «ҳосилот халтаси»да далага гўнг чиқаришни давом этдирмоқдалар.

Дўрмон қишлоқ советидаги Каганович номли колхознинг аъзолари 270 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил етиштириш учун курашни тобора кучайтирмоқдалар. Колхозда ғўзани сменалаб кечакундуз суғориш яхши ташкил этилган. Колхознинг 1—3—4 ва 5-нчи бригадаларининг иши айниқса намуналидир. Колхознинг яхши парвариш қилиб, қондириб суғорилган ғўзалари маржондек кўсакламоқда. Ҳозир колхознинг ҳар туп ғўзасида 7—8 тадан кўсак бор. Колхозчилар битта ҳам шона ва гулни нобуд қилмай, ҳосилга ҳосил қўшиш учун социалистик мусобақа асосида ғайрат билан ишламоқдалар.

Ш. КУЗАНБОЕВ.

Мактубдан илҳомланиб

Оқдар'ё район, Кумушкент қишлоқ советида 65 гектар янги ерга бу йил эрта баҳорда биринчи марта чигит экилди. Ҳозир бу ерда Самарқанд районидаги «Большевик» колхозининг пахтачиликни эндигина ўзлаштирган аъзоматлари кеча-кундуз меҳнат қилмоқдалар.

Янги ерлардан мўл пахта ҳосили етиштириш учун курашга отланган колхоз а'золари ёз бўйи ёш ғўзаларга ишлов беришни кучайтирдилар, қадди паст ғўзаларни ўстирдиб, ҳосилга киритдилар. Бунинг учун май ойининг иккинчи ўнкунлигидан бошлаб ғўзаларга кетмакет 4 марта ишлов берилди ва ғўзалар маҳаллий ҳамда минерал ўғитлар билан қўшимча озиқлантирилди.

«Большевик» колхозининг ёш пахтакорлари Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг Ўзбекистондаги барча колхозчилар, трактурчилар ва механикларга, пахтакор совхозларнинг ишчиларига, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалигининг барча ходимларига қарата ёзган мактубини кенг муҳокама қилиб, пахта ҳосилини барвақт етиштириш учун барча куч ва имкониятларни ишга солишга қат'ий аҳд қилдилар. Мактубга жавобан, пахтачилик звеноларининг аъзоларидан коммунист Қосим Аҳмаджонов, Каримов, Воҳидов Маҳкам Аҳмаджонов ва Жамол Зуҳуров ўртоқлар август ойи давомида ғўзаларни камида яна 2 марта сифатли парвариш қилиш учун зўр ғайрат билан ишлажакларини изҳор этдилар.

65 гектар қўриқдаги пахта майдонининг ҳар гектаридан 20 центнердан ҳосил етиштириш учун кураш — «Большевик» колхози пахтакорларининг жанговар шиори бўлиб қолди.

Колхоз правлениеси сабзавотчилик участкаларидан 25 кишини пахтачилик бригадаларига юборди.

СССР — қудратли темир йўл давлати

Диспетчер Абдулла Азимов

Марказий участканинг диспетчери Абдулла Азимов навбатчиликни қабул қилиши бланоқ ўз участкасидаги станцияларнинг навбатчиларига селектор орқали поезд яқинлашиб келаётганидан хабар қилди.

Июль кечаси. Осмонни беҳисоб юлдузлар қоплаган. Азимов дераза ёнига келди-да, навбатдаги ишлар тўғрисида хаёл сурабошлади.

— Аҳвол анча оғирлашиб қолди. Оҳангарондан кўмир ташиш кечикмоқда.

Азимов Оҳангаронни телефонга чақирди. Унда яқинда курсни тамомлаб чиққан Николай Зубрик навбатчилик қилмоқда. У ҳали ёш, тажрибаси кам. Шу сабабли унинг ишини ҳамма вақт кузатиб туришга тўғри келади. Диспетчер ёш навбатчига қилинадиган ишларнинг режасини айтиб туради.

Азимов яна кўмир конига вагонлар етказиб бериш, семафорга келган поездларни ўз вақтида ўтказишни қандай қилиб уюштириш тўғрисида ўйлай кетди. Ҳақиқатан ҳам диспетчернинг иши кўп ва хилма-хилдир. Маҳаллий юклар ортилган вагонларни юк тушириш жойига етказиб бериш, йўлдаги юк ортилган вагонларни терма поезд блан жўнатиш, кўмир ортилган маршрутларни жўнатиш керак.

Диспетчернинг столидаги кичкина радио карнайчасидан овоз эшитилди:

— Қодриядан гапираман, Қодриядан гапираман, — мен навбатчи Овчинниковман.

— Олма ортиш қандай бораётир?

— Ортиш ишларини йигирма минутда тамомлаймиз.

— Бир соатдан кейин сизга терма поезд етиб боради. Поезд музхоналарни олиб, бугуноқ Москвага жўнайди. Пойтахт меҳнаткашларига Ўзбекистон меваларини тез етказиб берайлик.

Бир нафас жим-житликдан кейин трубкада бирданига бирнеча овоз эшитилабошлади. Улар ҳаммаси диспетчерни сўрайдилар.

— Ҳаммаларингиз бирдан гапирманглар, ўртоқлар, бирма-бир гапиринглар!

— Ўртоқ диспетчер! Мен Оҳангарондан гапираман, навбатчи Зубрикман. «Узбекуголь» трести транспорт цехининг ходимлари кўмир ортиш учун вагон берилишини сўрамоқдалар. Улар тинчлик вахтасига ўтиб, кўмир ортиш топшириғини камида 120 процент бажариш мажбуриятини олганлар.

— Вагонлар графикда кўрсатилган вақтда етиб боради.

Станциялар бирин-кетин поездларнинг етиб келганлигини хабар қиладилар. Азимов қизил қаламини олиб, графикка поездларнинг ҳаракатини чизиб қўяди.

Диспетчер Мироненко Азимовга навбатчиликни топшираётиб, 1443-нчи поездни мумкин қадар тезроқ ўтказиб юбориш зарурлигини айтган эди. Бу поездни тепловоз машинисти Георгий Сухинов ҳайдаб келиши керак. Машинист бу составни муваффақият блан ҳайдаб келмоқда. Оҳангаронда эса Сухиновни кўмир ортилган маршрут кутиб турибди. Машинист диспетчерга мурожаат қилганида у:

— Составга «Яшил кўча» очиб бераман, — деди.

— Раҳмат, ўртоқ диспетчер! — хурсанд бўлди машинист.

Диспетчер графикка «Р» ҳарфини ёзиб қўйди. Бу белги поезднинг жадвалда кўрсатилган вақтда етиб келганлигини билдирарди.

Диспетчер бир станция кетидан иккинчи станцияни чақириб, навбатчилардан «қора олтин» маршрутига «Яшил кўча» очиб беришни талаб қилади, станцияларда юк ортишнинг боришини суриштириб туради.

Участкадан ўтган ҳарбир поезд графикда қайд қилинади. Янги график жорий қилингандан кейин ўтган икки ойдан буён коммунист диспетчер Абдулла Азимов графикни кунма-кун бажариб келмоқда. Тошкент темир йўл бўлими диспетчерларининг мусобақа тахтасида Азимовга ҳар гал навбатчилик қилганидан кейин қизил юлдуз белгиси қўйилади. Бу белги — диспетчернинг ўз ишини а'ло бажарганлигини билдиради.

☆

Абдулла Азимов бундан етти йил муқаддам Тошкентдаги транспорт инженерлари институтини имтиёзли диплом блан тамомлаб чиқди ва поездларни ташкил этучи бўлиб ишлайбошлади. Ёш инженер турли касбдаги кишиларнинг ишини амалда ўрганиб, яқиндан танишишни истади. У, поездларни тузучи, навбатчи, инженер, станция бошлиғи вазифаларида ишлади.

Назарий билим ва амалий иш тажрибасини эгаллаган инженер Абдулла Азимов ҳозир Оҳангарон конидан кўмир ташишни моҳирлик блан ташкил этиб, поездлар ҳаракатига пухта раҳбарлик қилмоқда.

С. НЕСТЕРОВИЧ.

Тошкент Темир йўли бўлимининг старший инспектори.



Суратда: (чапдан ўнгга) Тошкент темир йўлининг илғор машинистлари Одил Хўжаев, И. С. Леонидов, Раҳмат Икромов ўртоқлар.

И. Глауберзон фотоси.

Илғор станцияда

Поезд секингина тоққа кўтарилмоқда. У, кўмкўк дарахтзорлар бўйлаб ўтгач, тоғлар бир-бирига туташган жойда тўхтайди. Дарахтзорлар орасида кичик станция — Гуручмозор жойлашган.

Шу йил январь ойида гуручмозорлилар ажойиб ташаббус бошладилар. Станция коллективи Тошкент темир йўлининг барча ходимларига мурожаат қилиб, уларни станцияларда вагонлар оборотини тезлатиш учун мусобақани кучайтириб юборишга чақирди. Тошкент темир йўлидаги катта ва кичик станцияларнинг коллективлари бу ташаббусга қўшилдилар. Ҳамма жойда вагонларнинг бекор туришини камайтириш учун қизғин кураш бошланди.

Гуручмозорлиларнинг бу ташаббусни бошлаганларидан буён олти ой вақт ўтди. Ярим йиллик иш якунлари мусобақанинг кутилганидан ҳам яхши натижалар берганлигини кўрсатди. Тошкент темир йўли бўйича вагонларнинг бекор туриши январь ойидагидан 9 соат камайтирилди.

Биз станцияга кечқурун етиб келдик. Пассажир поезди ўтганидан кейин бўш вагонлар келди. Диспетчер маршрутни соат 24 гача тайёрлаш ҳақида топшириқ берди. У, маршрут 5 минут кечикса ҳам, участкага қабул қилаолмаслигини айтди. Чунки бу вақтда Ўшдан пассажир поезди келиши керак эди.

Станция навбатчиси комсомол Исмоилов телефон олдига келди.

— Буйруғингиз бажарилади. Бизга паровозни тайёрлаб қўйинг.

— Сўзингизнинг уддасидан чиқолмай, мени ҳам, ўзингизни ҳам қийин аҳволда қолдирманг!

— Гуручмозорлиларнинг сўзи блан иши бир.

— Хўп, — деди диспетчер,—уч соатдан кейин паровоз етиб боради.

Вагонларнинг биринчи гуруҳи юк ортиш учун эстакадага берилди. Юк ортишни тезлаштириш учун иккинчи агрегат ҳам ишга туширилди. Юк ортиш тез сур'атлар блан давом этмоқда. Эстакада олдида икки қатор вагонлар турибди. Тарозибон Қосим Курмакаев, Ася Сетьянова вагонларга бирин-кетин пломба қўймоқдалар. Пломба қўрғошинида «Гуручмозор» сўзи аниқ кўриниб турибди. Вагонлар атрофида станция бошлиғи Зиберов блан навбатчи коммунист Шевцов ўртоқлар ишни кўздан кечирмоқдалар. Улар агрегатлар олдига бориб, механикдан юк ортишни тезлатишни сўрайдилар.

— Беш минутда тамомлаш керак, Вася!

Кекса Курмакаевга ёрдам бериш учун комсомол а'зоси тарозибон Ольга Садаева етиб келди. Юк ортиш давомида у, вагонларнинг номерларини ёзиб, жўнатиш учун ҳужжатларни тайёрлаб қўйган. Состав тузучи Попов сигнал бериши блан машинист биринчи гуруҳ вагонларни олиб кетди. Яна бирнеча минут ўтмасдан иккинчи гуруҳ вагонларга ҳам юк ортилди.

Узоқдан паровознинг кучли овози эшитилди. Бу, диспетчер юборган коммунист Коробкиннинг локомотиви эди.

Иш қизиб кетди. Пассажир поездининг келишига бирнеча минут қолган. Гуручмозорлилар пассажир поезди келмасдан юк ортилган составни жўнатиб юборишлари керак.

Сўнгги вагонларга юк ортилмоқда. Состав тузучи Попов поездни жўнатишга сигнал беради. Тарозибон охирги вагонга пломба қўймоқда. Ольга Садаева тайёр ҳужжатларни кондукторга узатади. Машинист Коробкин локомотивни тайёр маршрутга олиб келади. Поезд узоқ сафарга жўнаш учун тайёр. Кондуктор Юсупов составни қабул қилади. У сигнал бериши блан поезд кичкина Гуручмозор станциясидан жўнаб кетади.

— Сафарингиз бехатар бўлсин!

Шу вақтда қўшни станциядан пассажир поезди ҳам йўлга чиқади.

Диспетчер станция бошлиғи ўртоқ Зиберовни селекторга чақириб:

— Бутун коллективга ташаккур э'лон қилинг. Сиз шу кеча-кундузда пландан ташқари 60 вагонга юк ортдингиз. Вагонларнинг бекор туриши қарийб икки марта камайтирилди. Келгусидаги ишларингизга муваффақият тилайман!

Тошкент темир йўлининг илғор станция коллективи ана шундай уюшқоқлик блан ишламоқда.

К. КАМНЕВ.

Илғор машинист

I

Поезд Андижонга яқинлашмоқда. Купеда ўтирган пассажирлар ўртасида суҳбат бошланиб кетди.

— Биласизми, бу составни ким ҳайдаб бораётир? — деб сўради пассажирлардан бири, пиёладаги чойини ҳўплаб.

— Йўқ, билмайман, нима эди?—деди ҳамсуҳбат пассажир.

— Жуда уста ҳайдовчи бўлса керакда! Поездни тўхтатишларига ҳам, юргизишига ҳам қойил қоласиз. Мана бунга бир боқинг!

Пассажир қўлидаги пиёлани тўлғазиб чой қуйди-да, уни поезднинг полига қўйди. Поезд шундай оҳиста тўхтадики, пиёладаги чойнинг бир томчиси ҳам тўкилмади. Поезд жўнаганда ҳам жуда аста кўзғолди.

— Жуда ҳам уста экан-да! — деди пассажир.

Поезд Андижонга келгач, биз поездни бунча усталик блан ҳайдаган моҳир машинистни кўришни истадик.

II.

Эшонқул Раҳматуллаев 1935 йил 30 июль кунини ҳечқачон унутмайди. Бу кун — улуғ Сталин Кремльда темир йўл транспорти илғорларини қабул қилган тарихий кун. Совет халқининг доҳиси қабулда темирйўлчиларнинг катта муваффақиятларини қайд қилиб, бизнинг олдимизга янги ва ғоят катта вазифалар қўйди.

Эшонқул Раҳматуллаев машинист бўлишга қарор берди. Аммо слесарь ёрдамчиси бўлиб ишлаган оддий ишчининг мураккаб машинани ҳайдовчи машинист бўлиб етишиши оғир иш эди. Эшонқул ўз мастери Николай Иванович Каркамазовга мурожаат қилди. Рус мастери унинг орзусини эшитди-да:

— Бунинг учун олдин ўқиш керак, ўқимасдан ҳечнарса қилиб бўлмайди, — деди.

Эшонқул ўқишга кирди ва бирнеча йил ичида яхши слесарь бўлиб етишди. Паровозлар ремонти бўйича слесарь бўлиб ишлаётиб, ҳархил қисмларнинг номларини, вазифасини, турли узел ва механизмларнинг бир-бирига та'сирини қунт блан ўрганди. Раҳматуллаев паровоз техникасини мукаммал ўрганиб олганидан кейин машинист ёрдамчилари тайёрлаш курсига кирди. Қабул имтиҳонларида у локомотив техникасини, уни бошқариш ва ремонт қилиш усулларини яхши билганлигини кўрсатди. Инженер Александр Митрофанович Нестеренко ўзбек йигитининг механикага бўлган иштиёқига алоҳида э'тибор берди. Биринчи марта инженер, Раҳматуллаевга паровозни мустақил ўрганишни таклиф қилганида, ҳатто у, ишончсизлик ҳам билдирди. У, махсус мактабга бориб, буғ кучи блан ишлайдиган механизмларнинг сирини ўрганишни ҳам истаган эди. Аммо рус инженери механизмларни мустақил ўрганиш ҳам яхши натижа беражагига ишонтирди. Эшонқул унинг уйига бориб ўқийбошлади ва тез-тез сафарга чиқиб, локомотив блан амалий иш устида танишди.

Бир йил вақт ўтди. Раҳматуллаев машинистликка имтиҳон бериш учун Тошкентга келди. У вақтларда ўзбеклардан машинистлар жуда кам эди. У, имтиҳон комиссияси жойлашган кабинетга дадил кириб борди ва берилган саволларга жавоб қайтарди. Ёш машинист ёрдамчиси модель ёнига келиб, қозонда буғ пайдо бўлиш тартибини, унинг потенциал кучдан механик кучга ўтиш изчиллигини аниқ ва пухта тушунтириб берди. Буғнинг цилиндр майдонига босимини тахтада ҳисоблаб кўрсатди. Раҳматуллаев имтиҳонни а'ло баҳога топширди. Уч йил ўтгач Эшонқул Раҳматуллаев иккинчи класс машинист унвонини олди.

Эшонқул Раҳматуллаев Тошкент темир йўлида локомотивларнинг эски, камайтирилган йўл босиш нормаларини ва составларининг оғирлик нормаларини орқада қолдириб, янги нормаларни ўзлаштирган машинистлардан бири бўлди. Гитлерчи босқинчиларга қарши Улуғ Ватан уруши бошланганида эса, у, нормадагидан бир ярим—икки марта ортиқ юк ортилган поездларни ҳайдайбошлади. Уруш даврида машинист Раҳматуллаев икки кишининг ишини бажариб, оғир юкли поездларни юргизди.

Уруш ғалаба блан тамомланганидан кейин темирйўлчилар олдига урушдан кейинги бешйилликни тўрт йилда бажариш, ёқилғи ва материалларни ҳартарафлама тежаш вазифаси қўйилди. Партиясиз большевик Раҳматуллаев сталинча бешйиллик планни муддатидан олдин бажариш учун бошланган мусобақага қўшилиб, Андижон депосида биринчи бўлиб ёқилғи чиқиндиларидан фойдаланабошлади. У, ўз локомотивини ҳамма вақт озода ва пухта сақлайди. Раҳматуллаевнинг бригадалари 1950 йилнинг бошидан буён бу паровозда 130 тонна кўмир тежадилар. Унинг паровози бир ремонтдан иккинчи ремонтгача 115 минг километр йўл босди.

Раҳматуллаевнинг йўл босиш нормасини бир ярим марта ошириб бажарган локомотиви яқинда ремонт учун заводга юборилди. Унга қаровсиз қолган бошқа бир паровозни топширдилар. Лекин у қийинчиликлардан чўчимади. Икки марта жорий ремонт қилингандан кейин, локомотив таниб бўлмаслик ҳолга келди. Илгари бу паровозда ишлаган бригадалар ёқилғини ошиқча сарф қилар эдилар. Раҳматуллаев эса биринчи ойдаёқ 30 тонна ёқилғи тежади. Бунинг «сири» Раҳматуллаевнинг ўз машинасига меҳр блан қарашида, паровознинг қувватидан тўла фойдаланиш учун нималар қилиш кераклигини билишидадир.

М. БУТКЕВИЧ.

Самарқанд станцияси коллективининг муваффақияти

Самарқанд станциясининг коллективи сталинчи темирйўлчилар кунини меҳнатда янги ютуқлар блан нишонламоқдалар. Коллектив йиллик планни Улуғ Октябрьнинг 33 йиллигигача бажариш учун социалистик мусобақани қизитиб, яхши натижаларга эришаётир.

Самарқанд темирйўлчилари олинган мажбуриятни шараф блан адо этиш учун курашиб, 6 ойлик юк ташиш планини 120,6 процент бажарди. Социалистик мусобақа тобора қизғин тус олаётганлиги туфайли, планлар ойдан-ойга ошириб бажарилаётир. Июнь ойида юк ташиш плани 117 процент, июль ойининг биринчи ўнкунлигида 122 процент, иккинчи ўнкунлигида 141 процент бажарилди.

Поездларни жадал метод блан тузишда Рябцев, Баҳром Абдуллаев, старший стрелкачилар — Пиков, Мельников ўртоқлар яхши натижаларга эришдилар. Улар топшириқни бир ярим ҳисса ва ундан ҳам ошириб бажаришга муваффақ бўлмоқдалар.

Б. ПИРНАЗАРОВ.

Когон паровозчиларининг меҳнат совғалари

Когон паровоз депосининг коллективи сталинчи темирйўлчилар кунини меҳнат соҳасида муносиб совғалар блан кутиб олди.

Темирйўлчилар куни шарафига депода учта локомотив колоннаси ташкил килинди. Машинистлардан Балдише ва Королёв ўртоқлар оғир юкли поездларни юргизишда техник тезликни анча оширишга ва кўп миқдорда ёқилғи тежашга муваффақ бўлдилар. Улар қисқа вақт ичида тежаган ёқилғи узоқ сафарга борадиган 8—9 оғир юкли поездни ҳайдашга етади.

Депонинг отоқли локомотивчиларидан тепловоз бригадаси колоннасининг бошлиқлари Махалин ва Калдишев ўртоқлар локомотивларни узоқ вақт ремонтсиз ишлатиб, жуда яхши кўрсаткичларга эришдилар. Улар қисқа вақт ичида тежаган ёқилғи депо тепловозларига сарф қилинадиган ёқилғининг 23—24 процентини ташкил этади.

Локомотивларни ремонт қилишда Галкин, Пантюкин, Григорьев ўртоқлар кунлик нормаларини 2—2,5 ҳиссадан бажариб бошқаларга намуна бўлаётирлар.

А. АБДУРАСУЛЕВ.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

★ Андижон бўлимининг илғор машинистлари оғир юкли поездларни ҳайдаш юзасидан социалистик мусобақани кучайтириб, июль ойида неча ўнлаб оғир юкли поездни юргиздилар. Машинист Куфлин ва Лемешкин ўртоқлар 20 составни, Шагов ва Коротков ўртоқлар 16 составни, Шевелев ва Копилов ўртоқлар 15 составни юргизиб, пландан ташқари жуда кўп юк ташидилар.

★ Урсатьевск бўлимининг темирйўлчилари, Тошкент темир йўлида биринчи бўлиб юк ортиш етти ойлик планини муддатидан олдин бажардилар. Темирйўлчилар кучи шарафига пландан ташқари қарийб бир неча минг вагон юк ортилди. Шунингдек, Қўқон бўлимининг 13 та станция коллективи ҳам етти ойлик планни муддатидан олдин бажарди. Илғор станцияларнинг темирйўлчилари байрамолди кунларида бир кеча-кундузда 36 вагондан юк ортдилар.

★ Тошкент темир йўлининг вагончилари ремонт ишлари планини муддатидан олдин бажариш учун мусобақани кучайтириб, ойлик пландан ташқари бир неча ўн вагонни ремонтдан чиқардилар. Қўқон бўлимининг вагончилари пландан ташқари 6 вагонни ремонт қилдилар. Самарқанд вагончилари ремонтда поток усулидан фойдаланиб, 7 ойлик пландан ташқари 14 та вагонни ремонтдан чиқардилар.

★ Тошкент темир йўлининг ёш ишчиларидан 320 киши бешйиллик планларини бажардилар. Уларнинг кўпи ҳозир 1951—1956 йиллар ҳисобига ишламоқда. Қўқон вагон депосининг слесарьларидан Исроилов, Кафтайлова ва Рудовский ўртоқлар 8 йиллик нормаларини бажардилар. Тошкент паровоз депосининг слесари ўртоқ Тарасов эса 14 йиллик нормасини бажарди.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

★ Урсатьевск паровоз депосининг газ блан пайванд қилучи донгдор стахановчиси Арсентий Никифорович Гончарук сталинчи темирйўлчилар кунини 18 йиллик нормани бажариш блан кутиб олмоқда. Ўртоқ Гончарук бу муваффақиятни ўз малакасини тинмай ошириш туфайли қўлга киритди. У, икки касбни: газ ва электр блан пайванд қилиш касбларини эгаллаб, бир минут ҳам вақтини бекор ўтказмайди. Икки касбда ишлаш унга ҳар сменада 4 ва 5 нормадан бажариш имкониятини беради.

★ Тошкент темир йўли биринчи қурилиш-монтаж участкасининг коллективи сталинчи темирйўлчилар куни шарафига Арис — Тошкент участкасида автоблокировка ўрнатиш мажбуриятини олган эди. Мажбурият шараф блан бажарилди. Участка коллективи молия планини 104 процент бажарди, қурилиш ишларининг таннархи пландагидан 14 процент камайтирилди, ишлабчиқаришни комплекс асосда машиналаштириш йўли блан меҳнат унуми 1949 йилдагидан 4 процент оширилди.

★ Чирчиқ станциясининг тарозибонлари Фёдор Мерзлов ва Мария Петрячкова ўртоқлар иккинчи касбни — поездларни техник кўриқдан ўтказиш касбини ҳам эгалладилар. Улар бир ярим ойда 284 вагонни техник кўриқдан ўтказиб, 400 соатдан кўпроқ вақтни тежадилар. Тарозибонлар иккинчи касбни эгаллашлари натижасида июнь ойида вагонларнинг бекор туриши апрель ойидагига нисбатан 10 соатга камайтирилди.

Тошкент темир йўлининг кўпгина тарозибонлари, Мерзлов ва Петрячкова ўртоқларнинг ташаббусига қўшилиб, вагонларни техник кўриқдан ўтказиш касбини ўрганишга киришдилар.

Сталинчи темирйўлчилар куни

Бутун мамлакатимизнинг темирйўлчилари, бутун совет халқи блан бирга, ўзларининг традицион байрамини нишонламоқдалар. Темирйўлчиларнинг Кремльда партия ва ҳукумат раҳбарлари томонидан қабул қилинишини нишонлайдиган бу кун мамлакатимизда умумхалқ байрами бўлиб қолди. Бу йил бу байрам Ватанимизнинг экономикаси янада юксак даражага кўтарилган бир ваз'иятда ўтказилмоқда. Халқ хўжалигимизнинг барча асосий тормоқлари урушгача бўлган даражадан анча ўзди ва совет Ватани ҳарқачонгидан бадавлат ва қудратлироқ бўлиб қолди.

Совет халқининг урушдан кейинги йилларда большевиклар партияси раҳбарлигида, ўртоқ Сталин етакчилигида эришган ғалабалари биздаги иктимоий ва давлат тузумининг улуғворлигини, социализм системасининг капитализм системасидан устунлигини исботловчи яққол далилдир.

Бугун ўртоқ Сталиннинг Кремльда темир йўл транспорти ходимларини қабул қилиш маросимида нутқ сўзлаганига 15 йил тўлди. Ўртоқ Сталин ўз нутқида совет давлатининг яшаши ва ривожланиши учун темир йўлларнинг ҳал қилучи ролини кўрсатиб, транспортда большевикча интизомнинг моҳияти ҳақида гапирди. Темир йўл транспортини юксалтириш ва уни мамлакат халқ хўжалигининг илғор тормоғига айлантириш учун кураш программасини чизиб берди.

Мамлакатни саноатлаштириш ва қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш сталинча программасининг амалга оширилиши блан бирга, Совет Иттифоқининг темир йўллар харитаси ҳам ўзгарди. СССР улуғ темир йўл давлатига айланди.

Темир йўллар қурилиши мамлакатда нефть, кўмир, руда, рангли металлар ва ҳоказолар чиқариладиган янги районларни вужудга келтирди.

Миллий республикаларда хўжалик ва маданиятни юксалтиришда совет транспортининг роли ғоят каттадир. Тошкент темир йўли иттифоқчи Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистон республикалари территориясини бир-бири блан боғлайди. Совет ҳокимияти йилларида янгидан Андижон, Наманган, Скобелево-Қизилқия, Асака-Шаҳрихон, Қорасув-Ўш, Жалолобод-Кўкёнғоқ, Мельниково-Шўроб, Тошкент-Оҳангарон, Тошкент-Барраж темир йўллари қурилди.

Кейинги 15 йил ичида темир йўлларни техник жиҳатдан қайта қуриш соҳасида ғоят катта ишлар қилинди. Сталинча бешйилликлар даврида мамлакатнинг пўлат йўллари таниб бўлмаслик даражада ўзгарди. Темир йўллар ҳозирги замоннинг биринчи даража техникаси блан қуроллантирилди, неча минглаб кучли паровозлар, юзларча тепловоз ва электровозлар блан бойитилди.

Темир йўлларни электрлаштириш, кўп меҳнат талаб қиладиган ишларни машиналаштириш масалаларига алоҳида э'тибор берилмоқда.

Темир йўл транспортида юк ташишни тинмай кўпайтиришга қаратилган бу тадбирларнинг ҳаммаси мамлакатнинг мудофаа қувватини оширишга ёрдам берди. Улуғ Ватан уруши йилларида транспортимиз катта синовдан ўтди. Ўртоқ Сталин темирйўлчиларнинг бу даврдаги ишини юксак баҳолади.

Шимолий Кавказ ва Ўрта Осиёни мамлакатнинг марказий районлари блан боғловчи магистраль бўлган Тошкент темир йўлининг ходимлари Кавказ мудофааси даврида айниқса зўр ғайрат блан меҳнат қилдилар.

Урушдан кейинги йилларда совет транспорти техника прогресси жиҳатидан янада юксалди. Темир йўллар 1948 йилдаёқ юк ташишда урушгача бўлган даражадан ўзиб кетди. Ҳозир эса юк ташиш ҳажми бешйилликнинг сўнгги йилига мўлжалланган даражадан анча юқоридир.

Темир йўлнинг айрим участкаларида ишлаётган янги совет тепловозлари ўзининг сифати жиҳатидан Америка тепловозларидан анча устун туради. Бизда юк ортиш, юк тушириш ва йўл ремонти ишлари ҳам машиналаштирилди. Эски темир йўл изларини янгилаш поездларнинг ҳаракат тезлигини анча ошириш имкониятини берди. Тошкент темир йўлида 1950 йилда бир кечаю кундузда юк ортиш ва юк тушириш ўрта ҳисоб блан 1936 йилдагидан қарийб икки марта ошди. Шу жумладан кўмир ташиш 2 марта ва нефть маҳсулотлари ташиш 12 марта кўпайди, поездларнинг ҳаракат тезлиги соатига 3,6 километр, поездларнинг ўртача оғирлиги эса 200 тоннадан кўпроқ ошди.

Ўртоқ Сталин 1935 йил 30 июльдаги нутқида социалистик транспортда ишлаш ҳарбир киши учун фахрли иш эканлигини қайд қилиб, бундай деган эди:

«Темирйўлчилар орасида катта ўринларда ишловчи ходимлар ва кичик ўринларда ишловчи ходимлар бор. Лекин транспортда керак бўлмаган ёки аҳамиятсиз кишилар йўқ. Катта раҳбарлардан тортиб то «кичик» ходимларгача, стрелкачиларгача, ёгловчиларгача, қора хизматчиларгача, ҳаммалари ҳам буюк, ҳаммалари ҳам аҳамиятли, чунки транспорт бир конвейердирки, бунда ҳарбир ходимнинг, ҳарбир винтчанинг иши муҳим».

Совет ҳокимияти йилларида бутун совет кишилари блан бир қаторда, темирйўлчиларнинг ҳам ма'навий ва маданий савияси ўсди. Темирйўлчилар ғоявий жиҳатдан юксак, давлат манфаатларини чуқур тушунган, ташаббускор кишилар бўлиб қолдилар. Совет темирйўлчилари орасидан кўплаб Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари етишди. Тошкент темир йўлида ҳам стахановчи ва ударниклар сони тобора ошмоқда. Паровоз, вагон ва ҳаракат хизматларидагина 1.500 киши 1950 йилнинг 1 июлигача бешйиллик планларини бажардилар.

Тошкент темир йўлининг кўпмингли коллективида маҳаллий миллат кадрлари бир неча минг кишини ташкил этади. Булар орасида паровоз ва тепловозларни ҳайдовчи машинистлар, бош кондукторлар, йўл мастерлари, станция навбатчилари, поезд тузучилар ва бошқа мас'улиятли участкаларда ишловчилар бор. Тошкент темир йўлида маҳаллий миллат кишиларидан бирнеча минг инженер ишламоқда. Булардан йўл хизмати бошлиғининг ўринбосари Хўжаев, Андижон бўлими бошлиғининг ўринбосари Нишонбоев, Тошкент пассажир станцияси паровоз депосининг бошлиғи Турғунов ва бошқа ўртоқларни кўрсатиш мумкин.

Тошкент темирйўлчилари бундан бир йил муқаддам ўртоқ Сталиннинг номига ёзилган мактубда олинган мажбуриятларни бажариш йўлида зўр ғайрат ва ташаббускорлик блан ишладилар. Бешюзчилар ҳаракати айниқса катта роль ўйнади. Бу — давлат аҳамиятига эга бўлган ғоят катта ҳаракатдир. Локомотивларнинг бир кеча-кундузда йўл босиш тезлигини ошириш учун олиб борилган кураш транспортда интизомни мустаҳкамлашда катта роль ўйнади. Бешюзчилар ўз бригадаларидагина эмас, балки бутун депода, бутун йўлда ҳамма касбдаги ходимларнинг зўр ҳамкорлик блан ишлашларига эришмоқдалар. Бешюзчи машинистлардан Косюк, Мамажонов, Қосимов, Богаров, Жеманов, Смолин ва бошқа жуда кўп ўртоқлар ўрта ҳисобда бир кеча-кундузги йўл босиш тезлигини мунтазам суратда ошириб бажараётирлар.

Июнь ойи якунлари бўйича социалистик мусобақада ғолиб чиққан Тошкент пассажир депосининг машинисти Курдюков ва Самарқанд депосининг машинисти Каверин ўртоқларга илғор машинист унвони берилди. Июнь ойида 200 га яқин машинист бешюзчи номини олишга муяссар бўлди.

Гуручмозор станцияси коллективининг ташаббуси блан станциялар ўртасида бошланган социалистик мусобақа кенг авж олиб, Тошкент темир йўлида вагонларнинг бекор туриши январь ойига нисбатан 9 соат камайди.

Тошкент темир йўли 1949 йилда юк ташиш планини 101,3 процент, я'ни 1948 йилдагига нисбатан 20,5 процент ошириб бажарди.

Шу йилнинг I кварталида яхши кўрсаткичларга эришганлиги учун Урсатьевск вагон депосининг коллективига ВЦСПС ва Йўллар министрлигининг кўчма қизил байроғи топширилди.

Пахтачиликни ривожлантиришнинг сталинча программасини бажариш бутун ўзбек халқининг шарафли ишидир. Бу программани бажаришда темирйўлчилар зиммасига ҳам ғоят катта ва мас'улиятли вазифалар тушади. Шу муносабат блан Тошкент темир йўлининг ходимлари 1950 йил юк ташиш планини 5 декабрьгача бажариш мажбуриятини олдилар.

Аммо Тошкент темир йўлида ҳали шундай қолоқ участкалар ва корхоналар ҳам борки, улар топшириқларни бажармаётирлар, бракка, аварияга йўл қўймоқдалар. Бизда ҳали эгасизлик, тарқоқлик, беғамлик фактларини ҳам кўп учратиш мумкин. Бу камчиликларни большевикча ростгўйлик блан очиб ташлаш ва тузатиш зарур.

Темир йўл транспортининг пухта ишлаши учун муҳим шартлардан бири ҳамма соҳада ишни бир-бирига боғлаб ташкил этишдан иборатдир. Ўртоқ Сталин ўз нутқида: «...транспорт механизмидаги барча қисмларни, барча ходимларни бир-бирига мувофиқлаштириб олганингиздан кейин — мана шунинг ўзи чинакам большевистик интизом бўлади», деб уқдириб ўтган эди.

Транспортда ана шундай интизом ўрнатиш вазифаси сиёсий бўлимлар зиммасига тушади.

Ҳозир бизнинг олдимизда катта ва муҳим вазифалар турибди. Биз пассажирларга хизмат кўрсатиш маданиятини тинмай яхшилашимиз, йўлларни ремонт қилиш юзасидан катта ишларни бажаришимиз, жуда кўп янги об'ектни ишга туширишимиз, ишимизнинг ҳамма соҳасида, даставвал, поездлар ҳаракати графигини, вагон ва паровозлар обороти планларини бажаришда яхши кўрсаткичларга эришмоғимиз, йўлимизнинг экономикасини чуқур ўрганишимиз, юк ташиш таннархини камайтиришимиз, хўжалик ҳисобини мустаҳкамлашимиз ва ҳарбир корхонанинг рентабельлигини оширишимиз зарур.

Интизом нақадар мустаҳкамланса, большевистик танқид ва ўз-ўзини танқид нақадар кенг қўлланилса, олдимизда турган вазифалар шунчалик муваффақиятли бажарилади.

Партия ва ҳукуматнинг темирйўлчилар ҳақида қилаётган оталарча ғамхўрлиги уларни янгидан-янги меҳнат зафарларига илҳомлантирмоқда. Транспортда узоқ муддат ишлаганликлари учун темирйўлчиларга бериладиган қўшимча иш ҳақлари, етакчи касбдаги кишиларга ва команда составига оширилган пенсиялар берилиши бу ғамхўрликнинг яққол ифодасидир.

Ўртоқ Сталиннинг тарихий нутқидан кейин ўтган 15 йил мобайнида совет темирйўлчилари улуғ Сталиннинг кўрсатмаларини амалга ошириб, катта ва шонли йўлни босиб ўтдилар. Жонажон доҳимиз ва устозимизнинг доно кўрсатмалари социалистик транспорт ходимлари учун ҳамма вақт йўл кўрсатучи ёрқин маш'ал бўлиб қолади ва уларни янги ғалабалар сари бошлаб боради.

А. ҚОДИРОВ.

Тошкент Темир йўли бошқармасининг бошлиғи.

Адабиёт саҳифаси



Тошкент астрономия обсерваториясининг директори, Ўрта Осиё Давлат университети астрономия кафедрасининг мудири профессор В. П. Шеглов ўз шогирди Ҳафиза Шокирова билан амалий иш устида. Ҳафиза Шокирова бу йил САГУнинг физика-математика факультетини тамомлади.
М. Пенсон фотоси.

☆ ☆ ☆

СУЛҲ ДАРАХТИ

(Баллада)

Эркинлар тупроғида,
Танти дўстлар боғида
Булутларни емириб,
Қуёшга салом бериб—
Азамат шохларила,
Яшил бутоқларила
Фазоларни қучоқлаб,
Зулматларни пачоқлаб
Қад кўтармиш бир ёғоч
Қудратнинг ҳайкалидай,
Тириклик ғазалидай,
Барлиқ узра гўё тож,
Ҳамиша яшил ва ёш,
Улим ўзи унга ёт,
Баҳорлар унга йўлдош,
Ускан замнин — ҳаёт,
Мангу умр — ҳаваси,
Барги сўлмас барглардир,
Етиштирган меваси:
Ишлар, бахтлар, эрклардир...
Соясида ким юрса
Шавқи бўлур знёда,
Унга тегиб шаббода
Олисларга югурса —
Элатларга, элларга,
Ҳаттоки, банд йўлларга,
Давлатларнинг чекидан,
Кўприкларнинг тагидан
Эсиб, оқиб ўтиб у,
Уфққа йўл тутиб у—
Инсонларга умидни,
Нафасларга ҳавоқи,
Мушкулларга калидни,
Чаманларга сафони
Мисоли жон бағишлар,
Юртлар уни олқишлар.
—О—
Инсонликнинг бахти деб,
Осойиш дарахти деб
Инсон уни қадрлар,
Виждон уни хотирлар...
... Аммо қора илонлар,
Ваҳший, хунрез сиртлонлар,
Чигиртқалар, қузғунлар,
Мотамсевар тўғунлар
Бу дарахтдан дилхаста,
Чунки у ҳар нафасда —
Гуллатиб ҳаётларни,
Тугатар мамотларни...
Бу дарахтни қуритмоқ,
Мевасини чиритмоқ
Истар ўлим арбоби,
Қон-мусибат жаллоби,
Бўғиқ шамол, ўқ, заҳар —
Иртқичларнинг фитнаси.
Аммо ҳар кун, ҳар сақар
Сулҳ дарахтин танаси
Ўсар яна муаззам,
Сермева, яшил, маҳкам.
Эллар уни қўриқлар
Тириклик бор бўлсин деб,
Қуёш, тупроқ, ариқлар
Унга берар зийнат-зеб.
Бу дарахтни асрайди
Дунёмизнинг боғбони,
Нурнинг улуғ посбони —
Бу дарахтни асрайди.
Сулҳ дарахти доим ёш.
Ўлим ўзи унга ёт,
Баҳорлар азиз йўлдош,
Унган замнин — ҳаёт.
Мангу умр — ҳаваси,
Барги — сўлмас барглардир,
Етиштирган меваси:
Ишлар, бахтлар, эрклардир.
Эрк изларин йўлчилар,
Ўзга юртдан элчилар
Бу дарахт бутоғидан,
Гулидан, япроғидан
Уруғ олиб элтдилар,
Йўлда захмат чекдилар,
Аммо юртга етдилар
Ва у ерга экдилар,
Токи бутун жаҳонда
Кўпайсин сулҳ уруғи,
Билдирларин шу онда —
Будир тарих буйруғи.
Эшитдимки, ҳар ёқда,
Яқин, олис-йироқда
Кўкариб мисли ўрмон
Сулҳ боғлари яшнайди,
Қулоч ёзиб ҳар томон
Халқ қудрати яшайди.

М. ШАИХЗОДА.

Улуғ раҳбар Сталин

Минг йиллар бўлгил омон,
Азиз падар Сталин!
Бизни ғалаба сари—
Бошла, раҳбар Сталин!

Куламиз ўйнаб ҳар дам,
Яшаймиз юртда бардам,
Бахтимиз қилдинг кўркам,
Улуғ раҳбар Сталин!

Томирларда қонимиз,
Танда ширин жонимиз,
Сен бизнинг посбонимиз —
Улуғ раҳбар Сталин!

Бизни қаҳрамон этдинг
Ҳам мардликка ўргатдинг,
Энг тўғри йўл кўрсатдинг
Бизга, улуғ Сталин!

Меҳнат бизнинг шонимиз
Ҳам даври-давронимиз,
Сен-сан соябонимиз,
Улуғ баҳбар Сталин!

Бизларни моҳир қилиб
Устирдинг ботир қилиб,
Оламга машҳур қилиб,
Улуғ раҳбар Сталин!

Пучдир душманлар кори,
Биз тинчлик тарафдори,
Сен ботир халқ сардори,
Улуғ раҳбар Сталин!

Душман бари доғ бўлсин,
Дўстлар вақти чоғ бўлсин,
Бахтимизга соғ бўлсин
Улуғ раҳбар Сталин!

Маконимиз гўзал, ҳур,
Даврингда Ислом шоир
Яшагай эркин, мағрур;
Яша раҳбар Сталин!

Ислом НАЗАРОВ.
Халқ шоири.

ЯШАСИН ТИНЧЛИК!

«Шу йилнинг ўзида албан деҳқони Ян Ретани саводини чиқариб олди. Унинг биринчи ёзган сўзлари шундай бўлди:

«Яшасин тинчлик!»
(Газета хабаридан).

Биз тинчлик истаймиз,
Яшасин тинчлик!

Бу сўзлар—миллионлар янгроқ овози,
Тинчлик қўшиғини куйлаганда халқ
Юксакка етади
юрак парвози.

Ҳурматли дўстимиз албан деҳқони
Саводни чиқарди қисқа бир онда,
Биринчи ёзгани:
— Яшасин тинчлик!
Тинчлик енгажакдир бизнинг замонда.
Ҳурматли оналар ўз фарзандининг
Бахтли ҳаёти-чун имзо чекади,
Миллион имзоларнинг ҳарбири гўё
Жаноб Трумэнга ўқдай тегади.
Ҳарбир имзомизнинг ўзи—бир атом,
Имзо—юракларнинг зўр фармойиши
Имзо—бу, инсоннинг ҳусни, зийнати,
Ҳаётнинг тақдири, қалб оройиши.

Тинчлик лагерининг тарафдори кўп,
Урушни енгади тинчлик муқаррар,
Тинчлик байроқдори — доҳи
Сталин,
Сен борсан, бахтимиз мангу бехатар.
Биз тинчлик истаймиз,
Яшасин тинчлик!
Бу сўзлар—миллионлар янгроқ овози,
тинчлик қўшиғини куйласа жаҳон,
Юксакка етади юрак парвози!..

Темир МА'РУФИЙ.
Самарқанд.

☆ ☆ ☆

Рассом

ҲИКОЯ

... Ташқи қиёфасидан узун михни эслатучи, пачоқ шляпали киши қоронғи зинапоянинг икки-уч погонасига бир йўла қадам ташлаб, ошиқич юқорига кўтарилар эди. У, зарур ва мураккаб бир муаммони шу топда унитиб қўйишдан қўрққандек, зўр бериб юқорига шошилар, гоҳо узундан-узоқ зиналарни боса туриб қоқилиб кетса, э'тибор ҳам қилмас, фақат юқорига интилар эди.

У, зиналар қайилишидан бирида тўхтади. Енгил титраб турган қўли билан эшикни очди-ю, ичкарига отилди. Хона ичидан бўёқлар ҳиди имконсиз зинапояга гуп этиб урди.

Томи кўкка тегай деб турган улкан сариқ бинонинг бешинчи қаватида чорроқ келган бир хона. Бу ердаги баландқад бинолар қуёш нурини кун бўйи тўсиб турганидан, катта кўчага қараган ёлғиз миёна деразадан хона ичига бир ҳовуч ёруғ тушади, холос.

Бурчак-бурчакларда ва деворларда турли ҳажмдаги битган-битмаган суратлар кўзга ташланади. Бу турли рам ҳамда полотнолардан ма'юс боқиб турган кўзларга кўзингиз тушади. Хонага отилиб кирган киши уй ўртасидаги мольбертга яқинлашди. Мольбертдаги полотно бўш, ҳали бўёқ тушмаган эди. У одати бўйича бўш полотнода иш бошламай, дераза тагида турган сандиққа келиб ўтирди. Бир неча дақиқа шундай ўтди. Рассомнинг қўлида кичик альбом ва қора қалам пайдо бўлди. Ўрганган бармоқлар орасида қалам, пишган картошкани кесаётган пичоқдай енгил ва силлиқ ҳаракатга кирди. Альбом варағида узун-қисқа, тўғри ва ярим доира чизиқлар ҳосил бўлди. Аммо у ҳечнарсага ўхшамас, чизиқлар ёнига чизиқлар қўшилди...

Кутилмаганда, бу варақ альбомдан йиртиб олинди-ю, мольберт оёғи тагига келиб тушди. Навбатдаги варақ устида рассомнинг қалами ғоят тез ҳаракат қилабошлади. Қалам ихлос билан бир жойда узоқ ҳаракат қилиб тургач, сўнг тўхтади. Қоғозда оқил ва донишманд бир жуфт кўз рассомга қараб турар эди.

Рассом уйининг хира бурчакларидан бирига тикилди-ю, ҳаракатсиз қолди... Кенг зал кишилар билан лиқ тўла. Минглаб кўзлар кимнингдир пайдо бўлишини бесабр кутмоқда. Ола-говур, залдаги чироқлар ўчгандан кейин ҳам босилмас эди. Мана у, саҳна ўртасига келиб тўхтади. Илиқ муҳаббат билан тўла самимий қарсаклар кенг зални титратиб юборди. Унинг улкан гавдасини чап ва ўнг томондаги кучли прожекторлар ёритиб турибди. Рампадаги олти жуфт чироғ ўз нурини унинг жингалак сочларига сақийлик билан сепмоқда. У бошлади. Залда сукунат. Шу дақиқада рассом бутун вужуди билан зеҳн ва э'тиборга айланди. У саҳнадаги дуб каби бақувват, айтаётган қўшиғи сингари салобатли кишига бутун диққатини берган, ундан бир дақиқа бўлсин кўзини узалмас эди.

Тинчлик жарчисининг оташин чақириқлари ер юзининг барча бурчакларида янгради. Рассом ўтган йилнинг сентябрида уни Нью-Йорк штатининг Пикскиле шаҳрида концерт берганини эслади. Канада полицияси тақиқлаганига қарамай, у Оттавада 6 минг киши олдида Испания республикачиларининг жанговар қўшиғини айтиб берди. Виргиния штатининг Норфольк шаҳрида 7 минг тинчлик тарафдори уни самимий олқишлади. У айтган рус тилидаги қўшиқлар Парижда янгради. Тинчлик маркази—Москва уни қувонч билан тингларди.

... Фото суратлар киши портретини аниқ акс этади. Аммо рассом юзининг ўзига хос айрим индивидуаль хусусият ва чизиқларни пайқаб олиши керакки, у бун'ёд этган портрет, ўз эгаси билан бир томчи сув каби ўхшаш ва жонли бўлсин. Рассом жаҳон сан'атининг оташли сиймоларидан бири бўлган бу кишининг ҳарбир ҳаракатини суқ билан кузатиб борди. У қўшиқнинг кучли ва паст нотлари вақтидаги лаб, юз ҳаракатларини синчиклаб ўрганар, қалин манглайдаги ажинлар ҳам унинг диққатидан четда қолмас эди.

Сан'аткор янги қўшиқ бошлади. Уни зал шодиёна олқишларга кўмиб юборди, чунки у, рус тилида куйламоқда эди. Қаламни маҳкам сиқиб ушлаган рассомнинг бармоқлари бир-икки ҳаракатдан кейин тинч қолди. Рассомнинг қалб ва ҳиси оташин қўшиқда эди. Шу туфайли рассом ҳозир чизаётган хомаки режа, бошланғич лойиҳада ба'зи ўхшашликнигина ушлаб қолаолди. Худди шу фурсатда рассом орқасида турган пакана, озғин, шилпиқ кўзлик киши одамлар елкасидан бўйнини чўзиб, унинг қўлидаги варақка шубҳали қаради...

Рассом уйининг бўш бурчакларидан кўзларини мольбертдаги оппоқ полотнога тикди. Политрадан полотнога биринчи бўёқлар кўча бошлади. Керри Кларк енгил қалам юргазиб, полотнода силуэт ҳосил этди. Ундан кейин мольбертдан икки одим орқага ташлаб, ўнг кўзини қисиброқ унга тикилди. Бўёқ тушиши лозим бўлган асосий фон мавжуд бўлган эди. У, ҳартомонда сочилиб ётган эскизларни йиғиштириб олиб, кўз югуртирди. Уларнинг ба'зиларида муваффақиятли чиққан детальлар ҳам бор эди. Охиригача тамомланмаган хомаки бир суратда ўткир ва ма'надор кўз табиий ҳолда ифодаланган. Керри олти эскизнинг учтасидан муваффақиятли чиққан бўлакларни полотнога эўр ҳавас ва ихлос билан кўчирабошлади...

Керри узоқ ишлади. Хона ичига тушаётган ёруғлик анча камайиб, бурчаклар яна ҳам қоронғилашиб кетди. Аммо рассом ҳамон ишлар эди. У, шу фурсатда ўзини руҳан шод ва бахтиёр ҳис қиларди. Мольбертдаги оппоқ полотнога қора бўёқда ишланган портретнинг сўнгги штрихлари тушмоқда. Яна бирнеча дақиқа—энг мукаммал эскизлардан умумлашган ва рассомнинг фахри, илҳомининг меваси—портрет тайёр бўлади.

Шу палла Керрининг эшиги қаттиқ тақиллаб кетди. У келувчининг кимлигини ҳали сўраб улгирмай, эшик шиддатли муштлардан ириллай бошлади. Мушт ёнига муштлар ва ўжар тепки қўшилди-ю, ярим омонат турган эшик ланг очилиб кетди. Хонага тўрт киши югуриб кирди. Керри улардан биттасини—пакана, озғин, шилпиқ кўзли кишини дарров таниди. Концерт залида у Керрининг чизаётган расмига елка оша қарагани рассомнинг хаёлидан ўтди.

Хонага биринчи бўлиб отилиб кирган ўша пакана, озғин, шилпиқ кўзлик киши мольбертга ташланди. У полотнодаги расмни кўриб, ғайри-табиий овоз билан чиқириб юборди:

— Ўша қора махлуқ! Йиғитлар, аломон қилиш керак!

— Мана сенга Поль Робсон!

Қутирган итлар ўртасида қолган йўлчи аҳволига тушган Керрининг бошига салмоқли мушт ва калтаклар ёғилабошлади. Унинг биринчи ҳаракати портретни сақлаб қолиш бўлди. Аммо биринчи ҳаракатдаёқ рассомни пакана, озғин, шилпиқ кўзлик киши полга ағдариб тушди.

— Кўчага! Аламонга!

Бостириб киришган бир зумда уни хонадан итариб чиқардилар. Қопқора қонга беланган, ҳушсиз Керри Кларкни ним қоронғи зиналардан кўчага судраб тушабошладилар...

☆

— Сиз ҳозир Америка прогрессив рассоми Керри Кларкни қаерда деб ўйлайсиз?,—Бир минутлик сукутдан сўнг менга мурожаат қилди у.—Америка тасвирий сан'ати хазинасига ўзининг ажойиб реалистик портретлари галлериясини билан кўпгина дурдоналар қўшган бу олижаноб киши ҳозир катта серқатнов кўчанинг йўлкасида ўз қонига беланиб ётган, ёки қамоқхона камерасида ҳали ҳушига келмаган бўлса керак. Америкача янги тартибнинг «самараси» мана шундай...

У мени қўшни хонага таклиф этди. Биз қия очиқ турган яшил рангдаги эшикдан ичкарига кирдик. Тўрт тарафи ойнавонли кенг хонанинг ичи ёруғ ва озода. Нимпушти шойи пардалар эртабаки майин шабададан ҳилпирайди. Чап томондаги очиқ деразадан учиб кирган оппоқ капалак катта столдаги вазада турган гуллар устидан бир айланиб ўтиб, кейин бир оппоқ гулга қўнди. Бу хона—унинг иш жойи. Қайси томонга қарасангиз, у чизган расмларни кўрасиз. Булар шу қадар ранг-ба-ранг ва хилма-хилки, ўзингизни расмлар гулшанида деб ҳис этасиз. Қисқаси, бу хонада етук рассомнинг бутун ижодий йўлини кўриш мумкин.

Мен оппоқ жилд кийгазилган юмшоқ девонга ўтирдим. У, мольбертдаги полотнога ишора қилди.

— Беш кундан бери ишлайман. Портретнинг композицияси ҳали ҳам чала. Ҳар куни янги бир деталь пайдо бўлади.—у ҳаёлга чўмди,—анави портрет тайёр.

Мен қўлини бигиз қилиб кўрсатиб турган томонга қарадим. Назаримда ўша катта портретдаги киши тирик, фақат деворга суялиб турганга ўхшади.

— Танийман,—дедим мен қувониб,—«Полярная звезда» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ким Пен Хва. Унинг колхозида ўзи каби ўнлаб қаҳрамон бор.

— Мен у билан пахтакорлар қурултойида учрашган эдим,—мийиғида кулиб қўйди рассом,—кейинчалик иш жараёнида унинг ўзига хос хусусиятларини тўла ўрганиш учун 3—4 кун колхозга бориб турдим. Унинг қаншари, ёноқ суяги, қовоқлари, ҳатто кенг пешонасидаги ажинлари ҳам фақат ўзига мансуб эди. Мен илгари бу детальларнинг бирортасини ҳам чизиб юрган расмларимда қўлламаганман.

Мен отоқли рассомнинг уйида меҳмон бўлдим. Шу куни у менга бошқа асарларини ҳам кўрсатди. Мана, катта полотнода улуғ рус халқининг содиқ фарзанди—жанг ва меҳнат қаҳрамони Петр Трайнин. Унинг кўкрагидаги Совет Иттифоқи Қаҳрамони ва Социалистик Меҳнат Қаҳрамони олтин медаллари хонага нур сочиб тургандек порлайди.

— Мен бу расмни «Ғаллаорол» совхозига борганимда ишлаган эдим. Қаҳрамоним—Сталин тарбиясини олган ватанпарвар йигит.

Хонага файз бериб турган рангдор, бошқа бир полотнода, мен колхоз ишлабчиқаришининг ажойиб раҳбари, моҳир пахтакор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Советининг депутати Ҳамракул Турсунқуловни кўрдим.

Менинг қалбим шодлик туйғуларига тўлиб кетди. Мана, оддий совет киши си, Сталин даврининг фарзанди—дун'ё маданиятининг пешқадам арбоби. У, ўзининг мана шу кичкина иш жойида бутун совет халқи билан бирга, ҳамкор ва ҳамнафас.

Эртаси мен уни комбинзонда, яна мольберт ёнида кўрдим. Енгоқ мойида пишитилган политрадаги бўёқ унинг ишончли қўли билан оппоқ полотнога келиб тушмоқда. У, юзлаб музикачини бошқараётган симфония дирижёри каби, минг хил бўёқни бошқаради. Бўёқнинг ҳарбир миқолини ўз ўрнига топиб қўяди. Рассом мольберт ёнида мағрур туриб, ўз бурчини адо этмоқда. Бўёқ, чўтка ва меҳнат—унга шон-шараф келтирди! Мен бундан атиги бир соатгина муқаддам у сўзлаб берган америкали рассом Керри Кларк ҳақидаги фожиани тингладим. Мен бир хил касб, бир хил талант, бир хил одамни, аммо бир-бирига тамоман зид бўлган икки дун'ёдаги икки хил ҳаётни кўз олдимга келтирдим.

... Рассом шу қадар ички ҳис, туйғулар билан тўлиб ижод қилмоқдаки, мен унинг илҳом манбаини сўрашга жазм қилдим. Йўқ. Мен унинг шодон ва бахтиёр кўзларига боқдим-у, ўз саволимга дарҳол жавоб топдим. Унинг нигоҳи тўғридаги зарҳал рамда эди. Ундан улуғ Сталин баҳор қуёши каби илиқ ва меҳрибон, оталарча ғамхўр, ҳаётбахш табассум билан рассомга тикилиб, унга илҳом бағишламоқда эди.

Мана, унинг ҳаёт манбаи ва битмас-туганмас илҳом булоғи!

Сами' АБДУҚАҲҲОР.

Қорақалпоқ шоири Бердах

(Бердах вафотининг 50 йиллиги олдидан)

Халқнинг ғамин ўйлаган
Эл ғамхўри менга керак.

☆

Душманга алданиб кетма,
Халққа хиёнат этма,
Шунда бахтинг бўлур, болам!

БЕРДАХ.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси, Ленин — Сталин партиясининг доно миллий сиёсати ва рус халқининг буюк ёрдами орқасида Совет Иттифоқидаги барча халқлар каби, қорақалпоқ халқи ҳам озод ва бахтли турмушга эга бўлди.

Бу халқ Октябрь революцияси натижасида мамлакатга келган Ўзбекистон ССРнинг бир қисми бўлиб, ўзининг автоном республикасини тузди. Қорақалпоқ халқи Ленин — Сталин партияси раҳбарлигида ўз иқтисодий-ижтимоий ва маданий ҳаётини ўзи идора қиладиган халққа айланди. Шу билан бирга, социалистик тараққиётимизнинг барча соҳасида, ҳамма совет халқлари қаторида, қорақалпоқ халқи ҳам ўзини кўрсатаолди, ўзининг социалистик меҳнат қаҳрамонларини етиштирди.

Броқ бу ажиб қаҳрамон халқ Улуғ Октябрьгача жуда оғир ва азобли турмуш кечирган. Бир томондан, энг қаттиқ жабр-зулм остида эзилиш, иккинчи томондан, шу жабр-зулмларга қарши мардона кураш, — қорақалпоқ халқининг ўтмишдаги тарихи шундайдир. Халқнинг кураши улуғ шоир Бердах (Бердимурод) ижодиётида ўз ифодасини топган.

Бердахнинг бутун нафаси — халқ нафаси, бутун ҳаёти — халқ ҳаёти бўлди. Шоир Бердахда ва унинг ижодиётида қорақалпоқ халқининг зўр инсоний ва ижодий қобилияти, бу халқнинг революцион кайфияти ва кучи ифодаланган.

Бердахнинг бошидан охиригача халқ манфаати ва озодлиги қайғуси билан суғорилган кўп лирик шеърлари ва достонлари (шулар жумласидан, айниқса «Ахмоқ пошшо» достони) бор.

Бердахнинг ўзи айтганича, ўзбек халқининг улуғ шоири ва мутафаккири Алишер Навоий, озарбайжон халқининг талантли шоири Фузулий ва туркман халқининг классик шоири Маҳтумқули унга катта ма'навий ёрдам берганлар. Яна Бердахнинг ўзи баён этганича, унга устозликда Навоий биринчи ўринни ишғол қилади. Бердах: «Навоийдан савод очдим» деб ёзган.

Шоир:

«Бердимурод изла, изла,
Яхши йўлни тезроқ кўзла,
Халққа ҳам тўғри сўзла!»
Деганларни тинглар эдим».

деб куйлайди.

Бердах яна бундай ёзади:

Одамни одам демаса,
Одамзод қадрин билмаса,
Инглаганларни кўрмаса, —
Уни одил деб ким айтар?!
Ёки, шоир куйлайди:
Халқнинг ғамин ўйлаган
Эл ғамхўри менга керак.

Бердахнинг бу мисра'лари Навоийнинг:

Одами эрсанг, демагил одами
Аники, йўқ халқ ғамидин ғами. —

деган мисра'ларини эслатади.

Бердах асарларида ифодаланган фикр ва қарашларнинг Навоий асарларида ифодаланган гуманистик фикр ва қарашлар билан ҳақиқатан ҳам ўхшаш эканлигини кўрсатучи мисоллар ва фактлар оз эмас.

☆

Бердахнинг ҳақиқий демократ ва жўшқин ватанпарвар шоир бўлганини биз юқорида қайд қилиб ўтдик. Ҳеч шубҳа қилмаймизки, Бердахнинг асрида Россиядаги бутун халқларнинг, бутун миллатларнинг озодлиги ва бахти учун курашган улуғ рус халқининг революцион-демократ ёзучилари ва мутафаккирлари (Герцен, Белинский, Некрасов, Чернишевский, Добролюбов ва бошқалар) унинг ҳақиқий демократ шоир бўлиб етишишига албатта та'сир кўрсатмай қолмаганлар.

Айниқса, XIX асрнинг иккинчи ярмида Россияда юз берган ва кўчаяборган революцион ҳаракатларнинг, рус ишчилари ва деҳқонлари ҳаракатининг кучли тўлқини халқпарвар шоир Бердахнинг ғоят даражадаги сезгир кўнглига та'сир қилмаслиги мумкин эмас эди. Чунки Бердах бутун ўмри давомида мазлум халқларнинг ва шулар қаторида ўз халқининг озод бўлишини, бахтли ҳаёт йўлига киришини орзу қилди.

Россиядаги бошқа халқлар ичида улуғ рус халқининг энг илғор прогрессив ёзучиларининг фикрларидан, қарашларидан қай даражада бўлса ҳам, илҳомланган ёзучилар, олимлар оз эмас эди.

Ўрта Осиёдаги халқларнинг XIX асрнинг иккинчи ярмида, демак Бердах билан бир даврда яшаган илғор олим ва ёзучилари улуғ рус халқи демократик маданиятидан катта ёрдам олдилар. Халқ душманлари бўлган панисломистлар ва пантуркистларнинг қаршиликларига қарамай, илғор фикр эгалари рус маданиятидан баҳраманд бўлдилар. Қозоқ халқининг классик ёзучиси ва мутафаккири Обой Кўнонбоев, озарбайжон халқининг ифтихори бўлган Мирза Фатх-Али Охундов, тожик халқининг вакили Аҳмад Дониш, татар ёзучиси Қаюм Носирий ана шундай кишилардан эдилар.

Ўзбек халқининг фарзандларидан XIX асрда яшаган Фурқат, Комил Хоразмий, Муқимий ҳам илғор рус маданияти чашмаларидан баҳраманд бўлдилар.

Бердах ана шу юқорида қайд қилиб ўтганимиз ёзучи ва шоирлар сафидан эди. Ўз халқининг демократик кайфияти билан нафас олган бу шоир улуғ рус халқининг XIX асрдаги демократик ҳаракати ва ғояларидан илҳомланиб асарлар ёзди.

Бердах ғоят қат'иятли ва жўшқин демократ шоирдир. Шу билан бирга, унда революцион руҳ ва интилиш ҳам жуда кучли бўлган.

Бердахнинг:

Халқим хўрлиги хўрлигим,
Сафимни қайтадан қурдим,
Зорли овоз ва дуторим —
Бирга қўшилиб, айтар бўлдим.

Қаттиқ туриб бел боғлаган,
Ярогини қўлга олган,
Халқнинг ғамин ўйлаган
Эл ғамхўри менга керак,

деганлари ва:

Учингни ол душманингдан,
Кучингни йиғ ёш чоғингдан,
Белинг боғлаб, енгингни тур,
Дўст, душманингни онглаб юр,
Емон сўздан юзни дўндир,

Элдан четда турма, болам.
Душманга алданиб кетма,
Халққа хиёнат этма,
Шунда бахтинг бўлур, болам!

деб куйлаганлари бизга унинг қурашчи шоир бўлганлигини очиқ кўрсатади.

Шунингдек, бу ҳол Бердах рус халқи революцион ҳаракатларидан илҳом ва қувват олганлигидан дарак беради.

☆

Ўзбек халқининг улуғ шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг Бердахга ғоявий-ижодий та'сири ҳам жуда катта бўлган. Навоий билан Бердах ўртасидаги бу ижодий муносабат ўзбек халқи билан қорақалпоқ халқи ўртасидаги асрий дўстликдан ҳам хабар беради.

Алишер Навоийда демократик қарашлар кучли эди.

Алишер Навоийдан биринчи саводини чиқарган шоир Бердах ўз устозига чуқур ҳурмат сақлар эдики, биз буни юқорида мисоллар келтириб исбот қилдик.

Мамлакатимиз халқларининг ўтмиш замонлардаги инсонпарвар ёзучилари шу жумладан қорақалпоқ халқининг классик шоири Бердах ҳам, совет ҳокимиятининг вужудга келиши ва ғалабаси, Ленин — Сталин партияси доно миллий сиёсатининг амалга оширилиши натижасидагина рўёбга чиқиб, халққа кенг танилаолдилар.

Совет Иттифоқида ҳарбир халқнинг, ҳарбир миллатнинг ижодий фаолияти, шу билан бирга, уларнинг маданий меросларини зўр э'тибор билан чуқур ҳурмат қилинади. Бунинг реал натижаси ҳам қуёшдек равшан.

Большевиклар партиясининг, совет халқи ва давлатининг буюк раҳбари доҳи устозимиз, жонажон отамиз улуғ Сталин халқларимиз маданиятининг равнақи ҳақида ҳардоим ғамхўрлик қилиб келмоқда.

— «Ҳарбир миллат — каттами, кичикми, барибир, — ўзига хос бўлган хусусиятларга эга. Бу хусусиятлар унгагина хос бўлиб, бошқаларда йўқдир. Бу хусусиятлар ҳарбир миллатнинг жаҳон маданияти умумий хазинасига қўшадиган, ҳам уни бойитадиган ҳиссасидир», — дейди ўртоқ Сталин.

Қорақалпоқ халқига ва унинг маданий меросининг энг яхши намунаси бўлган Бердах ижодиётига ҳам доҳи йўлбошчимизнинг юқоридаги та'лимоти асосида ёндашилганда, Бердахнинг ижодиёти — қорақалпоқ халқи жаҳон маданияти хазинасига қўшган буюк ҳиссаси эканлиги равшан бўлиб қолади.

Бердах каби улуғ демократик шоир ва мутафаккирни етиштирган қорақалпоқ халқи мамлакатимиздаги барча халқлар билан биргаликда большевиклар партиясининг раҳбарлигида, улуғ Сталиннинг етакчилигида коммунизм сари комил ишонч билан олға бормоқда.

А. СА'ДИЙ.
Филология фанлари доктори.

Хотин-қизлар ўртасидаги тарбиявий ишларни яхшилайлик

ОБЛАСТЬ ХОТИН-ҚИЗЛАР АКТИВЛАРИ ҚЕНГАШИДА

Ўзбекистон К(б)П Тошкент область комитети хотин-қиз активларнинг область кенгашини ўтказди.

Ўзбекистон К(б)П Тошкент область комитетининг секретари ўртоқ Бродова хотин-қизлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтириш вазифалари тўғрисида доклад қилди.

Сўнгги вақтларда хотин-қизларни ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялаш ва уларни раҳбарлик ишларига кўтариш соҳасида анча катта ишлар қилинди. Хотин-қизлардан 23 киши колхоз раислари ва 240 киши раис ўринбосарлари, 450 киши пахтачилик бригадаларининг бошлиқлари бўлиб ишламоқда. Саноатда ишлаётган кўпгина хотин-қизлар мураккаб касбларни эгаллаб, урушдан кейинги сталинча бешйиллик планни муддатидан илгари бажаришда катта муваффақиятларга эришмоқдалар.

— Аммо, — деди ўртоқ Бродова, — область партия ташкилотининг хотин-қизларни ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялаш соҳасидаги иши ҳали талабга жавоб беравди эмас. Партия ташкилотлари ҳали ўтмишнинг сарқитларига қарши етарли қат'ият билан курашмаётирлар, хотин-қиз активларга таяниб иш олиб бормаётирлар. Сиёсий ва табиий-илмий темаларда лекциялар ўтказишга зиёлилар жуда кам тортилмоқда. Корхона ва колхозларда ҳали ҳам саводсиз ва чаласавод хотин-қизлар бор. Ҳатто тўқимачилик комбинатидек йирик корхонада ҳам ишчи хотин-қизларнинг умумий билимини ошириш тўғрисида кўнгилдагидек ғамхўрлик қилинмаётир. Қишлоқ ёшларининг кечки мактаблари қониқарли ишламайди. Мирзачўл, Бўка, Сирдарё, Янгийўл ва Оҳангарон районларида ўзбек қизлари, айниқса юқори синфларда ўқиётган қизлар мактабни тамомламай кетиб қолмоқдалар.

Докладда, хотин-қизларга феодалбойларча муносабатда бўлиш ҳоллари тугатилмаганлигини кўрсатадиган бирқанча мисоллар келтирилди. Тошкент шаҳрининг Октябрь ва Стэлич районларида бирқанча аёл эрларининг мажбур қилиши орқасида паранжи ёпиниб юрмоқда.

Кўпгина колхоз раҳбарлари колхозчи оналар тўғрисида етарли ғамхўрлик қилмайдилар. Колхозларда сўнгги йилларда болалар муассасалари тормоги кенгайса ҳам, улар колхозчи оналарнинг талаб ва эҳтиёжларини тўла қондиролмайди. Масалан, Оққўрғон, Чиноз, Пискент районларида ёзги болалар майдончалари ва яслилари ташкил қилиш плани бажарилмади.

Хотин-қизлар ўртасидаги тарбиявий ишларни чинакам яхшилаш, хотин-қизларни ишлабчиқаришга ва жамоат ишларига кенг жалб қилиш зарур. Эскилик сарқитларига ўралиб қолган, совет хотин-қизларининг ҳуқуқларини поймол қилаётган кишиларга муросасозлик билан қаровчиларга қарши қат'ий курош олиб бориш керак.

Доклад юзасидан музокаралар бўлди.

Ўзбекистон К(б)П Оққўрғон район комитетининг секретари ўртоқ Раҳмонова хотин-қизлар ўртасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида сўзлаб берди. Бу йил хотин-қизлардан 50 дан ортиқ киши раҳбарлик ишларига кўтарилган. Партия маорифи шохобчасида кўпгина хотин-қиз ўқиган. Аммо бу ишлар ҳали кифоя қилмайди. Ҳали хотин-қизлар ўртасидаги ишларда кўп камчилик бор. Бу камчиликлардан бири—ўқувчи қизларнинг мактабни битирмай кетиб қолишидир. Ўтган ўқув йилида юқори синфдаги ўқувчи қизлардан 85 киши ўқувни тамомламай кетиб қолган. Хотин-қизлар ўртасидаги сиёсий ишлар кўпинча кампаниячилик йўли билан олиб борилади.

Қуйичирчиқ район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Ўразова болалар муассасаларининг иши ҳақида гапирди.

— Областьнинг колхоз ва совхоз далаларида мингларча хотин-қиз ишлайди. Улар пахта, шоли, канап ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олиш учун мусобақа қилмоқдалар. Лекин бизда ҳали колхозчи хотин-қизларнинг унумли ишлаши учун қулай шароит яратиб бериш тўғрисида етарли ғамхўрлик қилинмаётир. Бирқанча колхозда болалар муассасалари яхши ишламаётир. «Гулистон» колхозида болалар яслилари мутлақо йўқ. Болалар муассасалари ташкил қилиш учун берилган маблағлардан ўз ўрнида фойдаланиш зарур.

Ўзбекистон К(б)П Мирзачўл район комитети хотин-қизлар ўртасида ишлаш бўлимининг мудири ўртоқ Олимова район ташкилотларининг раҳбарларини, улар хотин-қизлар ўртасида ишлашга эътибор бермаётганликлари учун танқид қилди. Хотин-қизларни ўқитиш, уларни раҳбарлик ишларига кўтариш ҳақида етарли ғамхўрлик қилинмайди, районда хотин-қизлардан биронта ҳам колхоз раиси йўқ. Район партия комитети хотин-қизларни раҳбарлик ишларига кўтаришга жур'ат қилмайди.

Ховос район қишлоқ хўжалик бўлимининг агрономи, республикада хизмат кўрсатган агроном ўртоқ Назимова бундай деди:

— Янги суғориладиган ерларга кўпгина колхозчилар кўчиб келдилар. Шу муносабат билан районнинг партия ва совет ташкилотлари олдида кўчиб келган колхозчилар, айниқса колхозчи хотин-қизлар учун қулай маиший шароит яратиб бериш соҳасида жуда муҳим вазифалар турипти. Аммо районда колхозчи хотин-қизлар тўғрисида бундай ғамхўрлик сезилмаётир. Болалар муассасалари яхши ишламайди. Колхозларда болалар муассасалари учун деярлик ҳеч қандай маблағ ажратилмайди.

Ўзбекистон К(б)П Куйбишев район комитети хотин-қизлар ўртасида ишлаш бўлимининг мудири Николаева, Ўзбекистон К(б)П Октябрь район комитети хотин-қизлар ўртасида ишлаш бўлимининг мудири Муҳаммедова ва область комсомол комитетининг секретари Вилдонова ўртоқлар хотин-қизларга феодал-бойларча муносабатда бўлиш ҳолларига қарши қат'ий кураш олиб бориш зарурлиги тўғрисида гапирдилар.

Кенгашда Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Раҳимбобоева нутқ сўзлади. У хотин-қизлар ўртасидаги тарбиявий ишларни кучайтириш, пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун курашда уларнинг ролини оширишга оид бирқанча амалий масалаларга тўхталди.

Кенгашда ВКП(б) Марказий Комитетининг вакили ўртоқ Абрамова ҳам гапирди.

ҚУРИЯДАГИ ВОҚИАЛАР

ҚУРИЯ ХАЛҚ-ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ АРМИЯСИ БОШ ҚЎМОНДОНЛИГИНИНГ АХБОРОТИ

ПХЕНЬЯН, 28 июль. (ТАСС). Қурия халқ-демократик республикаси Халқ армиясининг Бош қўмондонлиги бугун эрталаб ахборот э'лон қилди. Ахборотда бундай дейилади: Халқ армиясининг қисмлари ҳамма фронтларда ҳужумни давом эттирмоқдалар.

26 июльда Халқ армиясининг зенит артиллерияси 3 та америка аэропланини уриб туширди.

Шимолий ва Жанубий Кенсан вилоятларидаги партизанлар Халқ армияси қисмларининг ҳужумига мадад бериб, душманнинг орқа томонида ўз ҳаракатларини кучайтириб юбордилар. Пусан (Фузан) районидаги партизан отрядлари Пусан атрофидаги жойларда операциялар ўтказмоқдалар.

ПХЕНЬЯН, 28 июль. (ТАСС). Қурия халқ-демократик республикаси Халқ армиясининг Бош қўмондонлиги бугун эрталаб қуйидаги ахборотни чиқарди:

Халқ армияси қисмлари ҳамма фронтларда қуруқликдаги америка қўшинлари билан қаттиқ жанглар олиб бордилар.

Халқ армиясининг Намвонь (Нанген) шаҳрини озод қилган қисмлари 27 июльда америка қўшинлари билан бўлган қаттиқ жанглардан кейин Куре (Кюрей) шаҳрини ишғол қилдилар.

Хадон (Като) районида Халқ армиясининг қисмлари америка қўшинлари билан жанг қилдилар; америка солдат ва офицерларидан 100 киши асир олинди. Ўлжалар қўлга туширилди. Ўлжалар орасида 105 миллиметрли етти тўп, 80 пулемёт, 70 автомашина, жуда кўп милтиқ, карабин ва бошқа қурол-яроғлар бор.

Бошқа фронтларда айтарлик ўзгариш бўлмади.

ҚУРИЯДАГИ УРУШ ҲАРАКАТЛАРИ ТУҒРИСИДА АМЕРИКА МУХБИРЛАРИНИНГ ХАБАРЛАРИ

НЬЮ-ЙОРК, 28 июль. (ТАСС). Америка мухбирларининг Токио ва Қуриядан берган хабарларига қараганда, бугун тонг отар вақтида Қурия халқ-демократик республикасининг Халқ армияси Йондон (Эйдо)дан 8 километр шарқий-шимолдаги Хванган (Кокан) районида 25-нчи ва 1-нчи отлиқ (мото-механикалаштирилган — Редакция) америка дивизияларининг позицияларига ҳужум бошлаган.

5-нчи америка авиация қўшинларининг вакили, кеча америка авиацияси Шимолий ва Жанубий Қурияда операциялар ўтказиш учун 253 марта учди, деди.

Ассошиэйтед Пресс агентлигининг мухбири Бойил америка аэропланларининг Йондонга ваҳшийларча қайта-қайта қилган ҳужумларининг натижаларини таспирлаб, бундай деб ёзади. «Қоронғи тушган пайтда Йондон ёнидаги тепаликлар ва қишлоқлар аланга ичида қолганлиги кўриниб турарди... Бундан икки кун илгари Қурияда америка мудофаасининг негизи бўлган Йондон тамомила хароб бўлди. У атом бомбаси портлагандан кейинги Нагасаки манзарасини эслатади. Америка аэропланлари ва ҳарбий-денгиз авиацияси аэропланларининг узлуксиз қилган атакалари натижасида Йондон жуда қаттиқ вайрон қилинди. Харобалар устидан ҳавога фақат тутун кўтарилиб турипти; бошқа ҳамма нарса ер билан яксон қилинган».

Ассошиэйтед Пресс агентлигининг Қуриядаги 25-нчи америка дивизияси штаби ҳузурида бўлган мухбири, Шимолий Қурия қўшинлари бугун эрталаб марказий фронтда америка позицияларини ёриб ўтдилар, деб хабар қилади.

Юнайтед Пресс агентлигининг мухбири 8-нчи америка армияси штабидан берган хабарида бундай дейди: Шимолий Қурия қўшинларининг ён томондан қилинган атакаси америкаликларни 20 милядан кўпроқ орқага чекинишга мажбур этди. шунинг натижасида Шимолий Қурия қўшинлари Пусаннинг ғарбида бу шаҳардан 50 миля масофадаги жойга келиб етдилар.

Мухбирнинг айтишича, Макартур штабининг вакили журналистларга қилган баёнотида «Пусанни қутқазиб қолиш мумкин» деган.

ҚУРИЯДАГИ УРУШ ҲАРАКАТЛАРИГА ДОИР

ЛОНДОН, 28 июль. (ТАСС). Рейтер агентлигининг Қурияда америка қўшинлари билан бирга юрган мухбири билдиради: бу ерда расмий хабар э'лон қилинди. Хабарда айтилишича, Жанубий Қурия армияси бош штабининг собиқ бошлиғи Чай Вен Дек 27 июльдаги жангда ўлдирилган. У сўнгги вақтда армия қўмондони эди.

ЖАНУБИЙ ҚУРИЯДАГИ КЎЗГА КУРИНГАН СОБИҚ АМЕРИКА ВАКИЛИНИНГ ЭТИРОФИ

ЛОНДОН, 28 июль. (ТАСС). «Дейли уоркер» газетаси Америка Қўшма Штатларидаги махсус мухбирининг Хаустон Мид билан қилган суҳбатини э'лон қилди. Газета Хаустон Мидни «коммунистларга қарши фикрдаги консерватив республикачи, Ли Син Маннинг яқин дўсти, Жанубий Қуриядаги америка оккупациячи армиясида катта вазифада ишлаган киши» деб та'рифлайди.

Мид бундай деган: «Қурияда бизнинг иттифоқчиларимиз йўқ. Қуриялилар ўз мустақилликлари учун курашаётирлар. Улар америкаликлар билан японлар ўртасида ҳеч қандай фарқ кўрмайдилар. Биз қурия халқини қириб битиришимиз мумкин, лекин уни енгаолмаймиз. Биз эвакуация Қуриядан чиқиб кетишимиз мумкин, холос».

Мид Шимолий ва Жанубий Қурия аҳолиси ўртасидаги «ихтилофлар» ҳақида гапириб, бундай деди:

«Қуриялиларнинг ҳаммаси даставвал бир миллат халқидир, уларнинг ҳаммаси Қурияни қуриялилар идора қилишини истайдилар... 38-нчи параллель мамлакатни ажратиб турадиган доимий чегара деб белгиланган вақтдан буён биз Қурияда чинакам урушга тайёрланабошладик».

Инглиз ишчилари делегациясининг Совет Иттифоқи ҳақидаги таассуротлари тўғрисида «Дейли уоркер» газетасининг ёзганлари

ЛОНДОН, 28 июль. (ТАСС). «Дейли уоркер» газетасининг Москвадаги мухбири Паркер инглиз қуючи ишчиларининг ҳозирги вақтда Совет Иттифоқида бўлган делегациясининг таассуроти ҳақида Сталинграддан бундай деб ёзади:

«Қуючилар бирлашган касаба союзининг бош секретари, делегация раҳбари Гарднер делегация а'золарининг ҳамма саволлариға рўй-рост жавоб берилаётганлигини менга айтди».

Гарднер бундай деди: «Гарчи руслар қурия халқининг тақдири билан жуда қизиқсалар ҳам, лекин биз билан учрашган кишилар умумий тинчлик истиқболларига жуда катта ишонч билан қарайдилар. Ҳамма ерда уларнинг турмушни яхшилаш ва ижтимоий тадбирларни кучайтириш соҳасидаги ишларни зўр ғайрат билан давом эттиришга бел боғлаганликлари сезилиб турипти».

Паркернинг ёзишича, делегация Сталин номидаги автомобиль заводининг маданият саройини бориб кўргандан кейин Гарднер: «Мен Англиядаги бирорта шаҳарда ҳам маданият саройи учун шундай ҳашаматли бино ажратилганлигини билмайман» деган.

Эронда тинчлик тарафдорлари жамияти тузилди

ТЕҲРОН, 28 июль. (ТАСС). Яқинда Эроннинг отоқли шоири ва жамоат арбоби Баҳор (Маликушшуора) раислигида тинчлик тарафдорларининг Эрон жамияти тузилди. Бу жамиятга кенг жамоатчилик вакиллари ва Эроннинг машҳур фан, маданият ва сан'ат арбоблари киради. Жамиятни та'сис қилган а'золар орасида мажлис депутатларидан бирнеча киши бор.

Жамият эрон халқига қарата мурожаат чиқарди. Мурожаатда бундай дейилади: «Жамият ўз мамлакатининг бахт-саодатини истаган барча софдил эронлиларни, сиёсий маслакларидан ва дини э'тиқодларидан қандай бўлишидан қатъи назар, тинчлик тарафдорлари сафига киришга ва уларнинг муқаддас курашида иштирок қилишга чақиради».

Америка Қўшма Штатларида ҳарбий тайёргарлик

НЬЮ-ЙОРК, 28 июль. (ТАСС). 27 июльда америка ма'мурлари Америка Қўшма Штатларининг қуролли кучларини кўпайтириш ва қуроланишни тезлатиш учун яна бирқанча тадбирларни кўрдилар. Юнайтед Пресс агентлигининг Вашингтондаги мухбири билдиради: мудофаа министрлиги сентябрь ва октябрь ойларида 100.000 кишини ҳарбий хизматга чақирағазини э'лон қилди. Бундан илгари 20 минг киши чақирилади деб э'лон қилинган эди. Бу кишилар ҳам юқоридаги ҳисобга киради.

Министрликнинг баёнотида сентябрьда 50 минг киши ва октябрьда 50 минг киши чақирилади деб кўрсатилади.

Айни бир вақтда Трумэн бир қонун лойиҳасини имзолади. Бу қонун лойиҳаси Америка Қўшма Штатлари президентига ҳарбий хизмат муддати яқин 12 ой ичида тугайдиган кишиларни ҳарбий кучларда яна бир йилга хизмагда қолдиришга рухсат беради. Шундан кейин Трумэн қуролли кучларга чақирилучи кишиларнинг сонини кўпайтириш тўғрисида буйруқ чиқарди.

Вакиллар палатасининг молия ва банк масалалари билан шуғулланучи комиссияси бир қонун лойиҳасини ма'қуллади. Бу қонун лойиҳаси Трумэнга у талаб қилган ҳамма ваколатларни, шу жумладан пўлат ва бошқа материалларни тақсимлаш, саноат материаллари запасларини муосдара қилиш. исте'молчиларга бериладиган кредитни ва хусусий уй-жой қурилишига бериладиган кредитни чеклаш ҳуқуқини беради.

НОРВЕГИЯДА НАРХ-НАВО ЯНА ОШМОҚДА

ОСЛО, 28 июль. (ТАСС). Газеталарда босилган хабарларга қараганда, 1 августдан бошлаб жун ва ип газламаларнинг, шунингдек кийим-кечакларнинг нархи оширилади. Шу билан бирга, хабарларда айтилишича, 1 сентябрьдан бошлаб мазкур молларнинг нархи яна ортдирилади.

Бугундан бошлаб тухум нархи ҳам оширилди.

Маъ'ул муҳаррир Ҳ. ҒУЛОМОВ.

Тинчликка бағишланган адабий-музикали журнал

Совет Армиясининг Тошкентдаги Округ Офицерлар уйида ҳар ойда бир марта оғзаки адабий-музикали журнал ташкил этилмоқда. «Бизнинг Совет Ватанимиз» номли бу оғзаки журналнинг навбатдаги сони Тинчлик тарафдорлари жаҳон конгресси Доимий Комитетининг Стокгольм Мурожаатига имзо тўплашга бағишланди.

Тинчликни ҳимоя қилиш Совет Комитетига ёрдам беручи Республика комиссиясининг а'зоси ўртоқ Ф. М. Бобраков журнал бошланиши олдидан Ўзбекистон ССР да Стокгольм Мурожаатига имзо тўплаш ғоят баланд руҳ билан ўтаётганлиги ҳақида гапирди.

— Совет кишилари, — деди ўртоқ Ф. М. Бобраков, — Стокгольм Мурожаатига қўл қўйиш билан бирга, стахановча тинчлик вахталарида туриб ишлаб, ўз мажбуриятларини шараф билан бажармоқдалар.

Шундан кейин ўртоқ К. Н. Коваленко Қуриядаги аҳвол ҳақида, Қурия Халқ демократик республикаси қўшинларининг муваффақиятлари тўғрисида муфассал гапириб берди.

— Талвасага тушган Макартур,—деди ўртоқ К. Н. Коваленко, — Америка солдат ва офицерларига охирги нафасгача жанг қилиш ҳақида буйруқ берган. Макартурнинг буйруғи амалга оширилаётган бир пайтда Америка Қўшма Штатларининг Президенти Трумэн Конгрессга Америка Қўшма Штатларининг Қуролли Кучларини кўпайтириш ва қуроланишни тезлатиш учун яна бирқанча тадбирларни кўрдилар.